



ЎЗБЕК ИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Психология кафедраси

*Хосилова Шаҳноза Бозоровнанинг*

*“5140800 “Педагогика - психология” таълим йўналиши*

*бўйича бакалар даражасини олиш учун*

*“Бошланғич синф ўқувчиларида маънавий –ахлоқий*

*тушунчаларни таркиб топтиришининг*

*психологик асослари” мавзусида ёзган*

# **БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Илмий раҳбари :

ўқитувчи Н.Абдуназарова

“Ҳимояга тавсия этилди”

Педагогика – психология факультети

декани \_\_\_\_\_ доц. Т.Расулов

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2012 йил

Қарши 2012

## М у н д а р и ж а

**Кириш.....**

**I-БОБ. Бошланғич синф ўқувчиларида маънавий – ахлоқий сифатларни шакллантиришнинг назарий асослари.....**

1.1. Маънавий – ахлоқий тарбия масалалари - Шарқ мутафаккурларининг талқинида.....

1.2. Бошланғич синф ўқувчиларида маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.....

**II-БОБ. Ўқув тарбия жараёнида бошланғич синф ўқувчиларида ахлоқий сифатларни шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари.....**

2.1. Бошланғич синф ўқувчиларида маънавий – ахлоқий тарбиялашнинг аҳволи ва уни такомиллаштириш йўллари.....

2.2.Бошланғич синф ўқувчиларида дарсдан ташқари ишлар жараёнида ахлоқий сифатларини шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари.....

**Хулоса.**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

**“Маънавият ва ахлокий кадриятлар -  
инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг,  
давлатнинг куч-қудратидир. Улар йўқ  
жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди”**

**И.А.Каримов.**

**Кириш**

**Мавзунинг долзарблиги:** Ўзбекистон Республикасида юз бераётган туб ўзгаришлар, янгиланишлар инсон омили муаммосини янада чуқурак ва изчил равишда тадқиқ этишни тақозо этмоқда. Ўзбекистон халқининг ривожланган мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли муносабатга киришуви ҳар жихатдан етук кишиларни камол топтириш заруриятини вужудга келтирмоқда. Бугунги кунда фан техникани юқори савияда эгаллаш, жаҳон стандарти даражасига яқинлаштириш учун интеллект кўрсаткичи юқори ҳамда мустақил фикрловчи ёшларни ва уларда ахлокий сифатларни шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Жамиятимиз азалий маънавий-ахлокий кадриятларга эга. Чунки, маънавий конунларга таянувчи бирорта ижтимоий-иқтисодий тузум инсоният ахлоқ-одоби, узаро ҳамкорлигининг кувватини четлаган ҳолда етилиб чикмаган.

Ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири тарихий-маданий ва маънавий-ахлокий меросимизни урганишдаги бушликни тулдиришдир. Ахлоқ — яхшилик, саховат, софлик, ҳаё, мурувват, андиша, адаб, камтарлик, садоқат, қаноат, ростгўйлик, инсоф, некбинлик, адолат, бағри кенглик каби фазилатларни ўз ичига қамраб олади. Унга осонликча эришиб бўлмайди. Бунга эришув — заҳматли синовларни енгиш ҳам демак.

Ишсизлик, нарх-навонинг ошиб кетиши, меҳнат биржалари, кимошди савдоси, энг кўп фойда олиш, бозорлар ва хомашё манбаларини эгаллаш учун олиб бориладиган ўзаро рақобатлар ҳозирданок меҳнаткаш халқимизни қўрқув, хавфсираш, даҳшат ва таҳликага солиб қўйди. Бу ўз навбатида кишилар чехрасида табассум, хушнудликни олиб ташлаб, қаҳру ғазаб, ғам-ҳасрат, дилозорлик каби нохуш кайфиятларга ҳам олиб келмоқда, ёшлар орасида андиша, виждон, ҳалоллик, катталар орасида инсоф, диёнат, софдиллик каби ҳис-туйғулар саёзлашувига сабаб бўлмоқда. Умуман, инсоннинг ахлокий, маънавий, маданий, мафкуравий, руҳий қиёфаси сўниб, меҳр-шафқатсизлик, бетга чопарлик, дилозорлик, низо ва миллий тўқнашувлар, ўғрилиқ авж олмоқда. Шунинг учун ҳозир ким қайси йўлдан — илоҳий ёки дунёвий йўлдан бормасин оила, мактаб, меҳнат, жамоат ташкилотларидами, маҳалла ёки кўча-куйдаи, жуда бой маънавий хазинага эга бўлган аждодларимизнинг олий-ахлокий қадриятларини қайтадан ўзлаштириб олиш зарур.

Ушбу битирув малакавий ишда ахлоқий кадрятларни аниқлаб, уларни юзага келтирган муайян тарихий шароитнинг ёшларимиз маънавий эътиқоди шаклланишидаги ўрнини холисона баҳолашга ҳаракат қилинди ва бошланғич синф ўқувчиларида ахлоқий сифатларни шакллантириш йуллари аниқланди.

Маънавий –ахлоқий тарбияга доир Шарк мутафаккирлари Абу Али Ибн Сино, Абу Наср Фаробий, Юсуф хос Хожиб, Буюк ҳадисшунос олимлар: Имом Исмоил Ал Бухорий, Ат Термизий, Юнон файласуф олимлари: Гиппократ, Демокрит, Аристотель каби жаҳон мутафаккирларининг турли-туман назариялари мавжуд бўлиб, улар ҳар хил мезонларга кўрсаткичларга асосланади. Ўқувчиларни комил инсон қилиб шакллантириш учун, энг аввало уларни маънавий - ахлоқий жихатдан юксак даражаларга эришишлари учун пухта ҳозирланиш лозим.

**Битирув малакавий ишнинг мақсади:** Бошланғич синф ўқувчиларида ахлоқий сифатларни шакллантириш йулларини урганиш ва такомиллаштириш, ахлоқ коидаларига риоя қилиш механизмларини очиш ва ўзига хосликни аниқлаш жараёнидан иборатдир.

**Битирув малакавий ишнинг вазифалари:**

- Муаммога доир фалсафий, психологик, педагогик тадқиқотларни урганиш, таҳлил этиш ва умумлаштириш.

- Бошланғич синф ўқувчиларини маънавий-ахлоқий тарбиялашни педагогик-психологик муаммо сифатида илмий-назарий жихатдан асослаш, унинг моҳияти, таркибий қисмларини таърифлаш.

- Бошланғич синф ўқувчиларини маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва уларда ахлоқий сифатларни шакллантиришнинг назарий асосларини яратиш ҳамда уни амалиётга жорий этишга оид методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

- Бошланғич синф ўқувчиларини маънавий- ахлоқий тарбиялашни ва уларда ахлоқий сифатларни шакллантиришни психологик муаммо сифатида илмий-назарий жихатдан асослаш, унинг моҳияти, таркибий қисмларини таърифлаш.

- Бошланғич синф ўқувчиларида ахлоқий сифатларни шакллантиришнинг мазмуни, методлари ва воситаларини ишлаб чиқиш.

- Бошланғич синф ўқувчиларини маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва уларда ахлоқий сифатларни шакллантириш буйича илмий хулосалар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Битирув малакавий ишнинг методлари:**

1.Ўқувчилар билан ўқитувчилар ўқув фаолияти ҳамда ҳамкорлигини турли вазиятларда кузатиш (таълим ва ундан ташқари жараёнларда).

2. Ўқувчилар ҳамда ўқитувчилар билан маънавий- ахлокий кўрсаткичларига оид суҳбат ўтказиш (таълим ва муомала жараёнида).

**Битирув малакавий ишнинг предмети:** бўлиб, укучиларда ахлокий сифатларни шакллантиришга алоқадор бўлган тушунча, тасаввур ва ғоялар ҳамда уларнинг ижтимоий ҳулқдаги кўринишлари хизмат қилади.

**Битирув малакавий ишнинг объекти:** Тадқиқотнинг объекти сифатида Қарши шаҳар 1-5 мактабларнинг бошланғич синф укучилари олинган.

**Битирув малакавий ишнинг методологик асоси:** Тадқиқотда Шарк мутафаккирлари Абу Али Ибн Сино, Абу Наср Фаробий, Юсуф хос Хожиб, Буюк хадисшунос олимлар: Имом Исмоил Ал Бухорий, Ат Термизий каби буюк аждодларимизнинг илмий мерослари, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг одоб ва ахлоқ масаласига бағишланган ҳамда маънавий-маърифий ислоҳотларни чуқурлаштиришга йўналтирилган қарорлари методологик манба бўлиб хизмат қилади.

Булар билан бирга педагогика, этика ва эстетика, маданиятшунослик, маънавият, адабиёт ва ахлоқшунослик йўналишларида чоп этилаётган ахлоқ ва ахлокий сифатларни шакллантириш тўғрисидаги қатор рисола ва китоблардан ҳам ўзига хос методологик манба сифатида фойдаланилади.

**Битирув малакавий ишнинг янгилиги:** Маънавий-ахлокий тарбия тўғрисида бир қанча тадқиқотлар ўтказилган бўлса ҳам бошланғич синф ўқувчиларида ахлокий сифатларни шакллантириш хақидаги тасаввурлари ҳамда уларнинг шахсга таъсирини инобатга олган махсус тадқиқотлар Ўзбекистон шароитида ҳали ўрганилмаган.

Битирув малакавий иш бошланғич синф ўқувчиларида ахлокий сифатларни шакллантириш ва бу билан боғлиқ тушунчалар ижтимоий психологик тадқиқотнинг предметиға айлантилди.

**Битирув малакавий ишнинг назарий ва амалий аҳамияти:** Битирув малакавий ишнинг назарий аҳамияти бевосита унинг илмий янгилиги ҳамда қўлланилган усулларининг ишончилигидан келиб чиқади. Битирув малакавий ишнинг назарий натижалари этнопсихология ва ижтимоий психологияни янги назарий хулосалар билан бойитади.

Битирув малакавий ишида ишотланадиган илмий хулоса ва тавсиялардан кенг жамоатчиликда маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкин.

**I-БОБ. Бошланғич синф ўқувчиларида маънавий – ахлоқий сифатларни шакллантиришнинг назарий асослари.**

**Маънавият-инсонга она сути, ота намунаси, аجدодлар угити билан бирга сингади, унинг маданияти, вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина кудратли кучга айланади.**

**И.А.Каримов**

Бошланғич синф ўқувчиларида маънавий ахлоқий сифатларни шакллантириш, ҳар томонлама етук, гўзал, хуш одобли инсон қилиб камол топтириш ҳозирги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Чунки бу нарса миллий кадрият ва руҳиятни тиклаш жараёнида таълим ва тарбия самарадорлигини ошириш масаласидан келиб чиқади. Мазкур муаммони ўрганишда психологлар олдида турган вазифани муваффақиятли амалга оширишда бошланғич таълимни илмий асосда тўғри йўлга қўйиш учун ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.

Маълумки ўқувчи шахсини шакллантириш фаолиятини намунали йўлга қўйиш учун даставвал уларнинг характер ҳислатларини ва шахс фазилатларини мақсадга мувофиқ таркиб топганлиги даражасини аниқлаш айти муддаодир. Ҳар бир ўқувчини ахлоқий жиҳатдан аниқлагандан кейин алоҳида олинган субъект билан индивидуал муносабатда бўлиш имкони вужудга келади.

8 – 10 ёшли бошланғич синф ўқувчиларининг шахсий фазилатлари беқарор, дунёқароши содда, ташқи таасуротларга тез берилувчандир. Буюк алломалар таъкидлаганидек, кишининг характери ҳаммадан кўра кўпроқ унинг ҳаётининг дастлабки билимларида ташкил топади ва мазкур хислатларида намоён бўлган сифат жуда мустақкамўрнашади ва боланинг иккинчи табиатига айланади.

Боланинг иккинчи табиатида ижобий ҳис туйғуларни, шахс фазилатларини таркиб топтиришда, юксак ахлоқий сифатларни уларда шакллантиришда барча маъсулият бошланғич синф ўқувчиларининг зиммасига тушади. Ўқувчининг ушбу ёш даврида ўқитувчининг ҳар бир айтган сўзи, ҳар бир хатти – ҳаракати, таъсир ўтказиш услуби унинг учун ҳақиқат мезони ролини ўтайди.

Шундай қилиб бола шахси жуда мураккаб психологик категория бўлиб, у кишининг индивидуал ҳаёти давомида маълум конкрет омилларнинг таъсири остида секин – аста таркиб топади. Илмий манбаларга қараганда инсон шахси учта факторлар таъсирида таркиб топади. Улардан биринчиси, одам туғилиб ўсадиган ташқи ижтимоий муҳитнинг таъсири бўлса, иккинчиси, одамга узоқ муддат давомида системали равишда бериладиган ижтимоий таълим – тарбиянинг таъсиридир ва ниҳоят, учинчиси одамга наслий йўл билан бериладиган ирсий омилларнинг таъсиридир.

Инсоннинг психик тараққиётида ва шахсий сифатларининг таркиб топишида ташқи, ижтимоий муҳит ва тарбиянинг роли ҳал этувчи аҳамиятига эгадир. Лекин инсон шахсининг таркиб топиши, юқорида айтиб ўтганимиздек, фақат шу иккита факторга эмас, балки учинчи факторга ҳам боғлиқдир. Бу фактор наслий йўл билан айрим анатомик ва биологик хусусиятларининг таъсиридир. Масалан, танасининг тузилиши, сочи ва кўзларининг ранги, овози, гапириш услублари, айрим ҳаракатлари туғма равишда берилиши мумкин. Лекин шуни ҳеч қачон эсдан чиқармаслик керакки, одамга ҳеч вақт унинг психик хусусиятлари, яъни унинг ақлий томонлари билан боғлиқ сифатлари наслий йўл билан берилмайди. Ниҳоят, нодир ҳолларда айрим қобилиятлар, масалан, мусиқий, математик қобилиятлар наслий йўл билан берилиши мумкин.

Бундай имкониятларнинг амалга оширилиши, яъни рўёбга чиқиши учун албатта маълум шароит бўлиши керак. Ҳозирги кунда халқимиз орасидан етишиб чиққан истеъдодли олимлар, муҳандис – ихтирочилар, ёзувчи ва шоирлар, давлат ва жамоат арбоблари, истеъдодли артистлар, рассомлар ва бошқа кишиларимизга наслий йўл билан берилган барча имкониятларнинг рўёбга чиқиши учун ҳар қандай шароит майдонга келганлигини далилидир.

Маънавият йўқ жойда тараққиёт ҳам, бахт – саодат ҳам, келажак ҳам бўлмайди. Маълумки, ҳар бир жамиятда келажак тақдири навқирон авлодлар қўлида бўлганидек, ҳар бир халқнинг маънавий ва маданий камолот даражаси, энг аввало, ёшлар тарбияси кўринади. Истиқболни ўйлаган ҳар қандай киши маънавияти ва маданияти қандай шаклланиши тўғрисида ғамхўрлик қилади.

Маънавий – ахлоқий ишларни ташкил этиш олдига қўйилган вазифалар қуйидагилардан иборат:

- Бошланғич синф ўқувчиларида ахлоқий сифатларини шакллантириш жамият тараққиётидаги ролини ва уни ёшлар онгига сингдиришнинг аҳамиятини очиб бериш;

- “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг қабул қилиниши билан маънавий – ахлоқий ишларнинг янада такомиллашувини кўрсатиш ва бу масалада амалга оширилган ишларни умумлаштириш;

- Маънавий ахлоқий ишларни ташкил этишда маънавият, маърифат, мафкура тушунчаларининг ўзаро боғлиқлигини, алоқадорлигини, бири иккинчисини инкор қилмаслигини тарбиявий жараёнда улардан умумлашган ҳолда фойдаланиш мумкинлигини тушунтириш ва ҳоказо.

Маънавий – маърифий ва мафкуравий тарғибот ишлари ҳеч қачон ҳозиргидек долзарб вазфага айланмаган.

Маънавий – ахлоқий, руҳий – жисмоний етук ва фаол шахсина жамиятнинг тараққиёт мазмунини, давлатнинг истиқбол йўлини, шахс, жамият – давлат манфаатларини би бутунликгини, ўзаро ички боғлиқлигини тушунади. Албатта маънавий – ахлоқий, руҳий – жисмоний соғлом ва етук кишиларни вояга етказиш осон гап эмас.

Бунинг учун ҳатто бир неча ўн йилликлар кетиши мумкин. Бунда, аввало, одамлар тафаккурини янгилаш, табиатида миллий ахлоқ тамойилларининг барқарорлигига эришиш, истиқлол дунёқарашини шакллантириш зарур.

### **1.1. Маънавий – ахлоқий тарбия масалалари - Шарқ мутафаккурларининг талқинида.**

Ўтмишда аждодларимиз инсоннинг маънавий ва ахлоқий тарбия масалалари, муайян илмий йўналишда ўрганмаган бўлсалар-да, бироқ алломаларнинг қўлёзмаларида мазкур ҳолатларнинг намоён бўлиши, инсон камолоти борасидаги қимматли фикрлари ҳозиргача юксак аҳамият касб этади.

Маънавият инсоннинг – инсонийлик моҳияти, инсон шахсида таркиб топган фазилатлар мажмуи.

Маълумки, Шарқ уйғониш даврида маънавий-маърифий соҳада асосий масала инсон муаммоси бўлган. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия масалаларига катта эътибор берилган. Инсонийлик, инсонни улуғлаш ғояси таълим-тарбияга оид яратилган асарларнинг асосий ўзаги ҳисобланган. Бу ғояни, яъни инсонпарварлик ғоясини амалга оширишнинг асосий воситалари сифатида юксак ахлоқий одатлар, инсоний муносабатлар ва хислатларни таркиб топтиришга олиб келувчи таълим-тарбияни амалга ошириш муҳим масала қилиб қўйилган. Таълимий-ахлоқий рисоалар пайдо бўлиб, ахлоқнинг ҳам назарий, ҳам амалий масалалари таҳлил этилди. Биз назарда тутаётган даврдан бошлаб савод ўргатиш “Қуръон” ва “Ҳадис”ларни ўрганиш ва улардаги кўрсатмаларни ўзлаштириб олиш билан бирга олиб борилган. Таълимий-ахлоқий асарлар бевосита Ҳадисларда илгари сурилган ғоялар асосида яратилди. Ҳадислар таъсири Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаридан бошланиб, Кайковуснинг “Қобиснома”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳиббат ул-Ҳақойиқ” ва бошқа асарларда кўринади.

Шарқ таълим – тарбиясида илимни тарғиб этиш, хулқ – одоб қоидалари исломий тамойилларга асосланган, таълимий- ахлоқий асарлардаги мундарижаларнинг ўхшашлиги улар таянган маънавий заминга боғлиқдир.

Ўрта аср ижтимоий-фалсафий фикр тараққиёти мутафаккир Абу Наср Фаробий номи билан боғлиқ бўлиб, унинг инсон камолоти ҳақидаги таълимоти таълим-тарбия соҳасида катта аҳамиятга эга. Машҳур юнон файласуфи Арастудан кейин Шарқда ўз

билими, фикр доирасининг кенглиги билан ном чиқарган Фаробий йирик мутафаккир – “Муаллим соний” – “Иккинчи муаллим” деб атайдилар.

Фаробий таълим-тарбиянинг асосий вазифаси жамият талабларига жавоб бера оладиган ва шу жамият учун хизмат қиладиган етук инсонни тарбиялашдан иборат деб билади.

Хусайин Воиз Кошифий Комил инсон тарбиясида одабни таърифлаган.

Одоб – бу қалбни ёмон сўзлардан ва ножўя хулқдан сақлай олиш, ўзини ўзгаларни ҳам ҳурмат қила билиш, иш билан бирга ўзини ва ўзгаларнинг обрўсини туширмасликдир.

Абдулла Авлоний – ўзининг фаолияти давомида таълим-тарбияга, мактаб масаласига алоҳида эътибор берди. Айниқса ахлоқий тарбия тўғрисида ўзининг қатор фикрларини билдирган “Ахлоқий тарбиянинг бош масаласи боланинг ватанга муҳаббатидир”, - деган эди. Яъни ҳат бир болани Ватанни севишга, ватанга шерик бўлишга ўргатмоқ керак. Абдулла Авлоний ўз ижодида оила, ота-она, болаларни илм-маърифат билан баҳраманд қилиш ғоясини илгари сурган.

Абу Райҳон Беруний ҳам ахлоқий тарбияга мусулмон дини талабларидан келиб чиққан ҳолда таъриф беради. Ахлоқийлик яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш натижасида намоён бўлади ва таркиб топади дейди.

Мутафаккир илгари сурган ахлоқий хислатларда бири адолатдир. У жамиятда адолат ўрнатиш, уни ёвузликлардан халос этиш учун доно, адолатли ҳукмдор бўлиши керак, дейди.

Беруний кундалик турмуш масалаларига ҳам катта эътибор берган. Ҳар бир ахлоқан баркамол инсон ўзининг турмуш тарзини ҳам уйғун гўзал эта олади. Уйғунлик гўзаллик ва нафосатнинг асоси саналади. Беруний инсоний хислатлардан муҳими – озодалик, тарбиялилиқ – бўлса, инсонга энг яқин нарса унинг табиати, руҳи дейди.

Шунинг учун инсон ўз табиатига ёқадиган ишларни бажариши зарур, деб кўрсатади. Бунда инсоннинг ички дунёси билан ташқи гўзаллиги, турмуш тарзидаги гўзалликнинг уйғун бўлишини талаб этган. Бунга инсон киядиган кийимидан тортиб, кундалик турмушдаги юриш-туриши, сўзи, қалби, қилган иши – ҳаммасининг гўзал бўлиши таъкидланган.

Абу Райҳон Беруний назарида инсон камолга етишининг энг муҳим омиллари илм-маърифатли бўлиш ва юксак ахлоқлилиқдир.

Болаларни тарбиялашда эса ахлоқий меҳнат тарбияси, нафосат тарбияси, оила тарбияси, инсоннинг шахсий гигиенаси, халқлар ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ҳақидаги тушунчалар катта аҳамиятга эгадир. Олим ахлоқлилиқнинг белгилари сифатида

яхшилик, тўғрилиқ, адолат, камтарлик, саховат, олижаноблик, дўстлик ва ҳамкорлик, меҳнат ва ҳунар эгаллаш, поклик, гўзалликка нтилиш кабиларни илгари сурган.

Буюк мутафаккир Абу Али ибн Сино инсоннинг камолга етишида унинг ахлоқий камолоти муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. Ибн Сино ўзининг “Тиб конунлари” асарида болани олти ёшидан бошлаб муаллимга топшириш хусусида фикр юритади. Улуғ ҳоким таълим жараёнида ўқитишда оддийдан мураккабга қараб бориш қоидасига амал қилиш лозимлигини уқтиради. Айниқса болага кучи етадиган машқларни бажартириш амали бу жараёнда катта аҳамият касб этишини таъйинлайди.

Ибн Сино болаларни якка-якка ўқитишдан кўра жамоада таълим бериш афзал эканлигини эътироф этади. У жамоада ўқитилганда бола илмга интилувчанлик кучайишини далиллар орқали исботлайди. Унинг фикрича жамоада бошқалардан орқада қолишга боланинг ғурури йўл қўймайди; бирга ўқиганда болалар бир-бирлари билан гаплашиб нутқи ўсади, хотираси мустаҳкамланади; таълим жараёнида ўқувчилар бир-бирлари билан иноқлашади, бир - бирларини ҳурмат қилишга одатланади, мунозара қилишни ўрганади, ўзаро мусобақалашадилар, ўзларининг хулқ ва бурчлари ҳақида фикр алмашадилар. Бу эса болаларнинг хулқини яхшилашга, ахлоқ нормаларини эгаллаб олишларига кўмаклашади.

Ибн Сино инсон камолотининг муҳим ахлоқий жиҳатларини ҳам таҳлил этади ва ҳар бирига таъриф беради. Масалан, адолатни руҳий лаззатнинг бош мезони санайди. Инсон қаноат, жасурлик, донолик билан адолатга эга бўлади, ёмон иллатлардан ўзини тийиб, яхшиликни мустаҳкамлайди, ҳақиқий руҳий лаззат олади, дейди олим. Инсондаги ижобий ахлоқий хислатларга саҳийлик, чидамлилик, камтарлик, ақллилик, садоқат, интилиш, уятчанлик ижрочилик ва бошқаларни киритади. Ибн Сино ҳар бир ахлоқий хислатнинг таърифини беради.

Муътадиллик – тан учун зарурий озиқ ва хулқ меъёрларига тўғри келмайдиган ишларни қилмаслик;

Саҳийлик – ёрдамга муҳтож кишиларга кўмаклашувчи инсоний қувват;

Ғазаб – бирор ишни бажаришда жасурлик;

Чидамлилик – инсон ўз бошига тушган ёмонликларга бардош берувчи қувват;

Ақллилик – бирор ишни бажаришда шошма-шошарликдан сақловчи қувват дейди.

Ибн Сино юксак ахлоқий хислатларга яна кишиларнинг бир-бирларига дўст бўлиб яшаши, ҳамкорлик қилишини ҳам киритади. Чунки ҳар бир киши жамиятда, одамлар билан бирга яшар экан, улар билан дўстона яшашга интилади. Ибн Сино тарбия турли билимларни ўрганиш натижасида амалга ошса, ахлоқий тарбия кўпроқ яхши ахлоқий

хислатларни машқ қилдириш, одатлантириш, суҳбат орқали амалга ошади, деб таълим берди.

Инсон ҳиссий ва маънавий талабларни ажратиб олиш имкониятига эга экан, бу имконият аста-секин инсон феъл – атворига хос хислатга айлана боради. Ибн Сино инсоннинг шаклланишида унинг атрофини ўраб олган ташқи муҳит, одамлар алоҳида муҳим роль ўйнайди, ана шу ташқи муҳит ва одамлар инсоннинг атров дунёни билишгина эмас, балки унинг хулқида яхши ёки ёмон таркиб топишига ҳам таъсир этади. Шунинг учун ҳам болаларни тарбиялашда эҳтиёткор бўлиш кераклигини, бола ёмон одатларга ўрганмаслиги учун, уни ёмон одамлардан, ёмон муҳитдан узоқроқ сақлаш зарурлигини ўқтиради. Ибн Сино ақлий , ахлоқий, тарбия билан бир қаторда инсон камолотида жисмоний тарбиянинг муҳим аҳамиятини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан таҳлил этади. Ибн Сино биринчи бўлиб жисмоний тарбиянинг илмий – педагогик жиҳатдан бир бутун тизимни яратади. Жисмоний машқлар , тўғри овқатланиш, уйқу, баданни тоза тутиш тартибига риоя этиш, инсон соғлиғини сақлашда муҳим омиллардан экалигини ҳам илмий ҳам амалий жиҳатдан асослади.

Ибн Сино фикрича, киши ақлий ва жисмоний жиҳатдан қанчалик етук бўлмасин, агар мос тушмаса, бундай киши жамиятнинг ҳақиқий аъзоси ҳисоблана олмайди ва у жамиятга фойда келтира олмайди. Ўзи учунгина яшамасдан халқ учун, умум манфаати учун яшашга интилувчи кишиларни Ибн Сино яхши ахлоқли инсонлар деб ҳисоблайди.

Абу Наср Фаробий болаларни ахлоқи, назокатли қилиб тарбиялашда мусиқа билимининг аҳамияти ҳақида бундай дейди: “Бу фан шу маънода фойдалики, кимнинг феъл – атвори мувозанати йўқотган бўлса, у тартибга келтиради, камол топмаганларни камолга етказди ва мувозанатли бўлганларни мувозанатини узоқ муддатга сақлайди. Мусиқа руҳни даволайди, унинг созларининг таъсири билан руҳий қувватлар уйғунлашади ва тарбияга, мувозанатга келади”.

Фаробий ўзининг “ Исо ал-улум” китобининг охириги бўлимида: “Инсон ақли фақат билим билан чекланмайди, балки одат ва қарашларни ўзининг мақсадларига бўйсундира олиши ва йўналтириши, ўзгартириши ҳам мумкин”, - деб ёзади. Унинг фикрича, ҳар бир киши билимларни яхши эгалламоғи, яхши ва баркамол тарбия олмоғи, энг яхши фазилатларга эга бўлмоғи керак. Фаробий фикрича, кишидаги туб ғоя – саодатдир. Тарбия воситаси билан болаларда ҳосил қилинадиган барча инсоний, ахлоқий фазилатлар шунга қаратилмоғи керак.

Буюк мутафаккир А.Навоий инсоннинг ахлоқий хислатлари, яхши феъл – атворлари хусусида тўхталиб ўтар экан, аввало ҳар бир инсоний фазилатнинг таърифини беради. Ахлоқиликнинг энг муҳим мезони санолган одоб ҳақида фикр юритар экан:

“Адаб кичик ёшдагиларни улуғлар дуосига сазовор этади ва у дуо баракати билан умрбод баҳраманд бўлади. Адаб, кичкиналар меҳрини улуғлар кўнглига солади ва у муҳаббат кўнгида абадий қолади. Ёшларни кўзга улуғ кўрсатади уларнинг юриш – туришини халқ улуғвор билади. Ўзига қарши халқ томонидан бўладиган ҳурматсизлик эшигини боғлайди ва кишини ҳазил – мазахдан ва камситишдан сақлайди”.

Демак, яхши хулқ асоси – одоб, у Навоий назарида барча инсоний хислатларнинг бошланиши саналади.

Демак қаноат инсонийлик белгиси. У инсонни ёмон кунлардан асрайди. У бола тарбиясига ва уни шахс сифатида шакллантиришга катта аҳамият бериб, болани унинг “чироғи”, бола оилага бахт ва саодат келтирувчидир, деб характерлайди. Алишер Навоий балаларга ёшликданок билим маълумот ва тарбия беришликни кўрсатиб, ўғил – қизларни 6 ёшдан тарбиячига – муаллимга бериш лозимлигини айтади.

Жалолиддин Давоний ўз асарида инсонни ижтимоий мавжудот сифатида қарайди, инсон фақат жамиятда, кишилар орасида, улар билан муносабатда шаклланади, деган фикрни илгари суради. Бола ўта таъсирчан ва тақлидчан бўлишини таъкидлар экан, олим яхши фазилатни ҳам, ёмон фазилатни ҳам у тезда қабул қилавериши мумкинлигини алоҳида уқтириб ўтади. Бола қалбини нақш солинадиган, суратларни осонликча тушириш мумкин бўлган тахтага ўхшатади.

Давонийнинг фикрича боланинг тарбия олиш, одоб-ахлоқли бўлиши унинг кейинги тарбиясига ҳам боғлиқ. Чунки ҳаётда ҳар куни бола кўрадиган, мулоқатда бўладиган нарсалар унинг хулқида яхши ва ёмон томондан таъсир этади. Болада ҳар куни керак бўладиган инсоний хислатлар: юриш-туриш қоидалари, хушмуомилалик, ота-она ва бошқа катта ёшлиларни ҳурмат қилиш тўғрилиқ ва ростгўйликни ўрганиш, ширинсуҳанлик, камтарлик, сўзлашув одобига риоя қилиш кундалиқ турмушда ўрганилади. Шунга кўра бундай хислатларни болаларда ҳар куни тарбиялаб бориш муҳим. Бундай тарбияда эса ота-она олдида катта вазифалар қўйилади. Ота- ва она бола тарбиясида баб-баравар маъсулиятлидир, дейди Давоний. Ота боланинг яхши фазилатларини эгаллаб, касб – ҳунар ўрганиб бориши, илм – фанни чуқур ўзлаштириб олиши учун моддий асос, яъни кийим – кечак, керакли буюмлар билан таъминлайди.

Она боала тарбиясида асосий қийинчиликларни бошидан кечирувчи саналади. У болага яшаш учун қувват беради, эҳтиётлаб асрайди, меҳр-шафқатини аямайди. Болага оддий ахлоқий қоидаларни ўргатиш, юриш-туриш, ейиш – ичиш қоидаларига риоя этиш, ўз қилмиши олдида жавоб бериш маъсулиятини ҳис этишини таркиб топтиришда ота-она бурчлидир.

Бола тарбиясида ота-она билан бир қаторда мактабга чиққндан сўнг муаллим ҳам жавобгар саналади, дейди олим. Бунинг учун муаллимнинг ўзи ҳам яхши табия топган бўлиши шарт. Давоний фикрича, ақл ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасида, хоҳ давлат ишида, хоҳ илмни ўрганишда, хоҳ ижобий хулқ – одоб қоидаларини эгаллашда бўлсин, хоҳ ширинсуханликда, шеъриятда бўлсин, фаол қатнашади. Унинг бу ақидаси, яъни ақлий билишига таяниши илм – фан, маърифат, таълим-тарбия ва ахлоқ масалаларини талқин этишда кўпроқ намоён бўлади.

Юсуф Хос Хожиб ижодининг бош масалаларидан бири – комил инсонни тарбиялашдир олим эзгу ишларнинг барчаси илм туфайли амалга оширишни айтади. Ўша даврдаёқ олим “Билим хатто осмон сари йўл очур” деб башорат қилади.

Юртдошларимиз Имом ат – Термизий, Аҳмад Яссавий, Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбандий, Мухуммад Замахшарий, Хўжа Аҳрори Волий ва бошқа ислом оламининг алламалари ҳаёти ва ижоди ўрганилиб, уларнинг ўлмас асарлари халқимиз маънавий хазинасига қайтарилди.

Зотан, бу буюк сиймолар одамлар онгига поклик, ҳалоллик, диёнат, адолат сингари умуминсоний қадриятларни сингдиришиб, кишилик жамиятининг эзгулик йўлидан тараққий топишига улкан ҳисса қўшадилар. Хусусан, Исмоил ал – Бухорийнинг тўрт жилддан иборат “Ҳадис”нинг таржима қилиниб, нашр этилиши маънавий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди.

Халқимиз буюк ва унитилмас мутафаккирлари: ал-Фарғоний, ал – Фаробий, ал – Хоразмий, Ибн Сино, ал – Беруний, Мирзо Улуғбек, ал – Бухорий, ат-Термизий сингари буюк аждодларимиз билан ҳақли суратда фахрланади.

## **1.2. Бошланғич синф ўқувчиларида маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.**

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни ҳар томонлама етук, гўзал ахлоқли, хуш одобли инсон қилиб камол топтириш ҳозирги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Чунки бу нарса миллий қадирият ва руҳиятни тиклаш жараёнида таълим ва тарбия самарадорлигини ошириш масаласидан келиб чиқади.

Мазкур муаммони ўрганишда психоллар олдида турган вазифани муваффақиятли амалга оширишда бошланғич таълимни илмий асосда тўғри йўлга қўйиш учун ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш зарур.

Маълумки ўқувчи шахсини шакллантириш фаолиятини намунали йўлга қўйиш учун даставвал уларнинг характер хислатларини ва шахс фазилатларини мақсадга мувофиқ таркиб топганлиги даражасини аниқлаш айти муддаодир. Ҳар бир ўқувчини ахлоқий жиҳатдан аниқлагандан кейин алоҳида олинган субъект билан индивидуал муносабатда бўлиш имкони вужудга келади.

8-10 ёшли бошланғич синф ўқувчиларининг шахсий фазилатлари беқарор, дунёқараши содда, ташқи таасуротларга тез берилувчандир. Буюк алломалар таъкидлаганидек, кишининг характери ҳаммадан кўра кўпроқ унинг ҳаётининг дастлабки билимларида ташкил топади ва мазкур хислатларда намоён бўлган сифат жуда мустаҳкам ўрнашади ва боланинг иккинчи табиатига айланади.

Боланинг иккинчи табиатида ижобий ҳис – туйғуларни, шахс фазилатларини таркиб топтиришда, юксак ахлоқий сифатларни уларда шакллантиришда барча маъсулият бошланғич синф ўқитувчисининг зиммасига тушади. Ўқувчининг ушбу ёш даврида ўқитувчининг ҳар бир айтган сўзи, ҳар бир хатти-ҳаракати, таъсир ўтказиш услуги унинг учун ҳақиқат мезони ролини ўтайди. Чунки ўқувчилар ўз ўқитувчисига жуда қаттиқ ишонадилар, унинг фикр ва мулоҳазаларига қулоқ соладилар, педагогик назокатдан ўта таъсирланадилар, қўйган талабларига ҳамиша амал қиладилар.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ахлоқий сифатларини ривожлантириш жараёнида юксак самарага эришиш учун уларнинг ёш индивидуал психологик хусусиятларини ҳисобга олиш тақозо этилади.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг индивидуал-типологик хусусиятларини қанчалик чуқур ўрганган бўлса, уларга шунчалик таъсир ўтказиш кучи сезиларли ва самарали бўлади. Таълим жараёнида ҳар бир ўқувчининг руҳий дунёсига оқилона йўл топа олиш барча муваффақиятларнинг гаровидир.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда мужассамлашган ахлоқий тушунчаларнинг қай даражада эканлигини аниқлаш мақсадида бошланғич синф субъектларига ўқув йилининг бошида (сентябр ойининг 4-ҳафтасида) алоҳида саволлар билан мурожаат қилинди.

Ўқувчилар билан ўтказилган аниқловчи тажриба учун “яхши” ва “ёмон” тушунчалари танлаб олинди. Уларнинг кундалик турмуш шароитида кенг кўламда қўлланиладиган тушунчалар бўлганлиги туфайли ўрганиш режалаштирилди. Ахлоқнинг алифбоси худди шу сўзлардан бошланади, чунки мазкур тушунчалар замирида инсоннинг мураккаб ахлоқий қиёфаси, юксак хислати, барқарормаслиги негизи ётади. Тажрибаларда ўқувчиларнинг ҳукмига ҳавола қилинган саволлар уларнинг ёш хусусиятлари ва ҳаёт тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда тузилди.

Биринчи синф ўқувчиларида, юқорида санаб ўтилган , ахлоқий тушунчалар даражасини аниқлаш муддаоси билан уларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилинди:

- 1) Нима яхши-ю нима ёмон?
- 2) Ўзидан катталарга салом берадиган, уларнинг айтганларини бажарадиган болалар, қандай болалар?
- 3) “Хўп” деган яхшими ёки “йўқ” деган яхшими? ва ҳоказо.

Биринчи саволга 1-синфнинг аксарият ўқувчилари “Қуён яхши, бўри ёмон”, “Эчки яхши, бўри ёмон” каби жавоблар берадилар. Аммо жавоблар ичида ўқувчи Ю.М.нинг жавоби тенгдошлариникидан мутлақо тафовутланиб, мантиқий изчиллик асосида ўз фикрини далиллаб бериш кўзга ташланди: “Эчки яхши сут беради. Тулки ёмон, у бизни алдайди”. Демак, у “яхши” тушунчаси учун муҳим белги сифати инсонга фойда келтириши хислати ажратилган бўлса, “ёмон” тушунчаси замирида эса “алдаш”лик аломати ётади, яъни алдаш салбий иллат эканлигини англаб етади.

Унинг ёмон иллатини ўз вақтида пайқай олган ва ҳайвонларга. Қолаверса одамларга зиён келтиришини асолашга уринган. Ўқувчининг мулоҳазасидан кўриниб турибдики,

биринси саволга жавоб беришнинг ўзиёқ, тажрибада иштирок қилган ўқувчилар ичида индивидуал фарқлар мавжуддир.

Иккинчи саволга ўқувчилар “яхши болалар” деган умумий жавобни берганлар. Мазкур саволга деярли барча болалар жавоб бера олган бўлсада, лекин мулоҳаза юритиш кўламининг кенглиги, жавобнинг даллиларга бойлиги бўйича индивидуал тафовут юзага келди.

Бундай болалар саволга қуйидагича жавоб беришган: “Йўқ” дегани – ёмон, у алдайди, тошириқни бажармайди, “Хўп” дегани яхши, у ёрдамлашади. Ўқувчиларнинг кўпчилиги мазкур саволга мунозарасида фаол қатнашдилар, фикрларининг равонлиги, маълум даражада кенглиги билан бошқа тенгдошларидан ажралиб турадилар. Айниқса М.нинг мулоҳаза юритиши ўз синфдошларидан ҳар томонлама, ҳар жиҳатданустунликка эга. Баъзи аниқланган даллиларга кўра, қизчанинг оиласида фарзандларга нисбатан эътибор ва шахслараро фикр алмашилиш яхши йўлга қўйилганлиги аниқланди. Уларнинг мулоҳазасига кўра, биринчи синф ўқувчиларида ахлоқий тушунчалар бўйича айрим тафовут мавжудлиги намоён бўлди.

Иккинчи синф ўқувчиларида юқорида қайд қилиб ўтилган ахлоқий тушунчалар даражасини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилди: “Нима яхши-ю, нима ёмон?”, “Одобли бола деганда қандай болаларни тушунасиз?”, “Одоб ҳақида қандай шеърлар биласиз?”.

Биринчи саволга аксарият ўқувчилар “Катталарга кулоқ солиш, онасига ёрдамлашиш, дарсни тайёрлаш яхши”, “Ёлғон гапириш, катталарни алдаш, дарс тайёрламаслик ёмон”, “чумчукни отмайдиган, ёлғон гапирмайдиганлар яхши, китобларни йиртиш ёмон” каби жавоб берилар. Олинган жавобларга кўра, иккинчи синф болаларининг биринчи синф ўқувчиларига нисбатан мантиқ ва мазмун жиҳатдан фикрларни баён қилиш бўйича устунлиги сезилиб туради.

Иккинчи саволга иккинчи синф ўқувчиси Умида ушбу тарзда жавоб берди: “Укасининг сочидан тортмайди. Тоза полни ифлос қилмайди”. М.нинг фикрича, одобли бола кўпинча руҳсатсиз чиқмайди, ўз ишларини қилади, уй ишларига ёрдамлашади, озода юради. Бунинг билан бирга у одобли бола қиёфасига хос ҳислатлар кўламини бирмунча кенгайтиради. Биринчи синалувчининг жавобида биз чекланганлик ҳолатини кўрамиз: сочни тортмайди ва полни ифлос қилмайди. Келтирилган иккита намуна биридан маълум даражада фарққа эга.

Тажрибаларда учунчи синф ўқувчиларига қуйидаги саволлар билан мурожаат қилинди: “Нима яхши-ю, нима ёмон?”, “Энг гўзал нарса нима?”, “Энг ҳуник нарса-чи?”, “Одоб нима?”.

Мазкур ўқувчилар “яхши” ва “ёмон” тушунчаларини мураккаблашган (одобли бола “яхши” ёки ёмон бола ёмон) шаклида қўллашга ҳаракат қиладилар. Чунончи одобли боланинг характер ҳислати яна бойитилади: ундай бола салом беради ва ҳурмат қилади. “Ёмон” тушунчасининг моҳияти кенгайди: у гап қайтармайди, уни кексалар ёктиради. Юритилган мулоҳазалар якуни бўйича аниқ хулоса чиқаришга интилсак, у холда ўқувчиларнинг айримларигина 2 ва 3- саволларга жавоб беришга муваффақ бўлдилар: “Боғда ҳар хил гулларнинг очилиб туриши чиройли гўзал. Ўша гулларни сўрамасдан узиш, уларни синдириш хунук” ва бошқалар.

Юқаридаги саволлар психологик асосга эга бўлиб, шахснинг ахлоқ тушунчаларини аниқлашга қаратилганлиги сабабли атроф-муҳит, ижтимоий ҳаёт тўғрисида, шахслараро муносабат юзасидан билим ва тасаввурга эга бўлишини тақозо этилади.

Билдирилган мулоҳазалардан кўриниб турибдики, улар тушунчалар моҳиятини очишда ҳам ўзаро тафовут қиладилар. Бизнингча қайд қилинган тушунчалар юзасидан ўқувчилар фикри мазмундор бўлишининг асосий сабаблари бу уларнинг табиатшунослик фанига қизиқиш ва англашилган ҳиссий мотивлари, ақлий ҳатакатларида фаоллиги мавжудлигидир.

Учинчи синф ўқувчиларининг одоб тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалари биринчи иккинчи синф синалувчиларига қараганда мазмун, шакл, тузилиши жиҳатдан катта тафовутга эга бўлиб, бу нарса боланинг турмуш тажрибаси кўлами, ёки хусусияти ва ақлий камолоти даражаси билан ўлчанади. Ёш давр хусусияти билан изоҳланувчи фарқ билан бир қаторда нарса турлича қараш, ҳар хил ёндошиш, муаммо моҳиятини очиб бериш услуби индивидуал тафовут борлигини кўрсатади.

I-III синф ўқувчилари билан олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатадики, ахлоқий тушунчаларни таркиб топтириши учун уларни ҳар бир тушунчанинг муҳим аломатларини ажратишга, умумлаштиришга ўргатиш, уларда иккинчи даражали белгиларини таъкидлашуқувни вужудга келтириш зарур. Шунингдек, мустақил фикр юритиш кўникмасини такомиллаштириш, мантиқий хулоса чиқариш усуллари билан бошланғич синф ўқувчиларини қуроллантириш мақсадга мувофиқ.

Ахлоқий нормалар ва хатти-ҳаракат қоидаларини ўзлаштириш. Кичик мактаб ёшдаги даврда ахлоқий хатти-ҳаракат пойдевори қўйилади, ахлоқий нормалари ва хатти – ҳаракатлари қоидалари ўзлаштирилади, шахснинг ижтимоий йўналиши таркиб топа бошлайди. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ахлоқий онглари I-синфдан IV-синфгача бўлган давр мобайнида муҳим ўзгаришларга учрайди. Бу ёшнинг охириги даврларига келиб ахлоқий билимлар, тасаввурлар ва мулоҳазалар сезиларли даражада бойитди, анча англаган бўлади, турли-туманликка эга бўлади, умумийлашади.

I ва II синф ўқувчиларининг ахлоқий мулоҳазалари ўз хатти-ҳаракатлари тажрибасига ва ўқувчилар ҳамда ота-оналарнинг аниқ кўрсатмалари ва тушунтиришларига асосланади.

III-IV синф ўқувчилари эса ахлоқий мулоҳазаларида ўз хатти-ҳаракатлари тажрибасига ва катталарнинг кўрсатмаларига асосланиш билан бирга, бошқа кишиларнинг тажрибаларини ҳам анализ қилишга интиладилар. Бадий адабиётларни ўқиш ва болалар учун чиқарилган кинофильмларни кўриш анча катта аҳамият касб этади. Ахлоқий хатти-ҳаракатлар ҳам худди шундай таркиб топади. 7-8 ёшдаги болалар кўпинча тўғридан-тўғри катталарнинг, жумладан ўқитувчининг кўрсатмалари билан ижобий ахлоқий ишларни амалга оширадилар; III-IV синф ўқувчилари ташқаридан бўладиган кўрсатмани кутиб ўтирмай, бундай ижобий ахлоқий ишларнинг қанчадан-қанчасини ўз ташаббуслари билан амалга оширадилар.

Бошланғич синф ўқувчиларида намоён бўладиган характерологик хатти – ҳаракатларни ҳамма вақт ҳам муносабатлар амалга ошириладиган барқарор ва мустахкам хатти-ҳаракат формалари деб бўлавермайди. Бу даврда характер эндигина таркиб топа бошлайди. Бошланғич синф ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатларида олий нерв фаолиятининг типологик хусусиятлари анча аниқ ва ёрқин намоён бўлади. Бу хусусиятлар кейинчалик бориб одатда ҳаётда таркиб топган хатти – ҳаракатларнинг одатдаги шакллари билан қопланади.

Қадим-қадимдан ҳаётда улуғларга ҳурмат - эътибор, улар ҳукмига ризолик, бўйсунуш, аждодлар руҳига садоқат ҳисси элу юрт шуурини англаш туйғусининг илк куртаклари бўлган бўлса ажабмас. Шундандир балким, аждодлар ёди, хотира- тарих билан умригузаронлик палласидаги моҳиятан ўхшаш “қайтарик” лар ўша ўтмиш одамлар лафзида афсона, эртак - ҳикоя ва ҳатто дostonдай ижод меваларининг яратилишига замин бўлганлигини фаҳмлаш мумкин. Бу жараён аслида одамзод тафаккури, туйғусини шакллантиришда анча залвори омил ролини ўйнаган дейилар, эҳтимол. Гарчи ўша даврда одамлар тўпори жамоа тарзида ҳаёт кечирсалар-да, барибир, аждодлар эъзози, ўз қавми, шаъни ҳислатлари билан инсоний ва халқона туйғуларнинг қад ростлашида ўз имкони даражасидаги тарихий вазифани ўтади. Демокчимизки, Ватан туйғуси, аждодлар ҳурмати ўша узоқ мозийдаёқ чингбарг чиқара бошлаган эди. Акс ҳолда оддийгина йилқибоқар Широқ ўз қавмлари эрки ва шаъни учун ўлимга тик бормаган, малика Тўмарис қилич яланғочлаб жангга отланмаган бўлармиди. Зотан эрк ва Ватан туйғуси ботиний туйғуларнинг ўқ томирига айланган эди. Аждодлар кетидан авлодлар асрлар оша айни шу замонага етиб келибдики, эрк ва Ватан севгиси, халқ ва миллат қадри, ғурур ва иймон тобора улғайиб келмоқда. Унинг жон томири неча минг йилларки, асрлар оша қанчадан -

қанча тўфону довулларга дуч келди. Барибир халқнинг вужудида ўзлигидан дарак берувчи фазилят ва туйғулар тарихнинг кўпдан-кўп синовларидан эсон-омон ўтди.

Тарих ҳеч қачон ўзи мансуб халқдан айрича яшай олмайди ва узоқлашмайди ҳам. Унинг бирдан-бир мақсади, ҳаракат йўли - ўзи мансуб элу юртнинг тақдири иншосини қадам-бақадам бағрига жамламоқдир. Тарих шу асно асрлар, даврлар оша келажак аждодга кечинмаларни лоақал ахборот йўсинида бўлса-да ўтказмоқ умиди билан яшайди. Аммо вақт тарихда шундай ғаддор даврлар бўладики, унинг зўравон тизим-йўриқлари зарбиданми оддий халқ ичдан қийнала- қийнала ўз она тарихидан узоқлашиб қолади. Ўз тарихидан узоқлашиш, ундан бенасиблик халқнинг ўзлигини нимжон, ғурурини мўрт қилиб қўяди, фикр туйғусини қовжиратиб юборади. Бунинг қанчалик оғир хасталик эканлиги ҳар бир истибдод даврида бошдан кечирилган.

## **II-БОБ. Ўқув тарбия жараёнида бошланғич синф ўқувчиларида ахлоқий сифатларни шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари.**

Шарқона маънавий – ахлоқий кадриятларимиз – юксак маданият сарчашмаси ҳисобланади. Бугинги кунда болаларимизни шарқона одоб – ахлоқ, миллий кадрият, урф – одат ва анъаналаримиз асосида тарбиялаш катта аҳамият касб этади. Бозор иқтисодиёти давлатимизга ҳорижий мамлакатларнинг сармоясини, янги технологияси, заманавий бошқарув усуллари билан бир қаторда уларнинг маданияти, турмуш тарзи, дунёқараши кабиларни ҳам очиб келмоқда. Шунинг учун биз болаларимизни миллатимизнинг иззат – нафси, ғурурига тегадиган айрим номаъқул ҳолардан асрашимиз, уни фарзандларимизга тўғри тушунтиришимиз зарур.

Мактаб таълими боланинг турмуш тарзи, таркиби, ижтимоий ҳолати, синф жамоаси, оила муҳитидаги аҳволини ўзгартиради, унинг асосий вазифаси ўқишдан ибрат бўлиб қолади. Янги билим, кўникма, малакалар эгаллашдан ва жамият тўғрисидаги қонуниятларини ўзлаштира бошлайди. Таълим ўқувчидан муайян даражадаги уюшқоқликни, интизомликни, иродавий зўр беришликни, фаоликни, мақсадга йўналтирилган фаолиятни талаб қилади. Таълим жараёнида ўқувчи олдига қўйиладиган талаблар тобора ортиб, мураккаблашиб бораверади.

Мактаб таълимнинг дастлабки кунидан бошлабоқ кичик мактаб ёшидаги боланинг тараққиётини ҳаракатга келтирувчи, куч вазифасини ўқитувчи турли хусусиятга эга

бўлган зиддиятлар, қарама – қаршилиқлар, ички ифтихор кабилар вужудга келади. Ушбу ҳолат ва вазият замирида ўқувчи шахсига, унинг билим жараёнларига ва синф жамоаси томонидан қўйилаётган талаблар билан боланинг психик камолот даражаси ва ундаги мавжуд инсоний фазилатлар ўртасидаги қарама – қаршилиқ ётади. Талабнинг тобора ортиши боланинг психик жиҳатдан тўхтовсиз ўсишини тақозо этади ва бу нарса боши берк занжирнинг узликсиз ҳаракати натижасида инсон тараққиётида амалга ошади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчининг муҳим хусусиятларидан бири – бу ундаги ўзига хос эҳтиёжнинг мавжудлигидир. Мазкур эҳтиёж ўз моҳияти билан муайян тартибдаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга, теварак атрофдаги воқеликни ўзлаштиришга қаратилган бўлмасдан, балки фақат ўқувчи бўлиш истагининг айнан ўзидан иборатдир.

Дарслар бошланиб кетгандан кейин орадан маълум муддат ўтгач, шодиёна лаҳзалар таассуроти камайиши билан мактабнинг ташқи, ички белгилари ўз аҳамиятини йўқота боради ва ўқишнинг кундалиқ ақлий меҳнат эканлигини англаб етади. Агар ўқувчи шунга ўхшаш ақлий меҳнат кўникмасига эга бўлмаса, у ҳолда ўқишдан кўнгли совуйди, умидсизланиш туйғуси, ҳисси вужудга келади.

Шунинг учун ўқитувчи бундай ҳолнинг олдини олиш мақсадида бола билан таълимнинг ўйин фаолиятдан фарқи, қизиқарлиги юзасидан маълумот бериш ва шу фаолиятга уни пухтароқ, жиддийроқ тайёрлаши мақсадга мувофиқ. Биринчи синф ўқувчисида фаолиятининг дастлабки натижалари унинг бошқа материаллари эгаллаш сари етаклайди. Унинг ўқиш фаолиятидаги биринчи меҳнат фаолияти маҳсули шодлик, қувонч ва амалий ҳис – туйғусини келтириб чиқаради.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг муҳим хусусиятларидан яна биттаси – бу ўқитувчи шахсига нисбатан ишонч ҳисси ва юксак обрў туйғусининг мавжудлиги. Шунинг учун ўқитувчи болага тарбиявий, таълимий таъсир кўзрсатиш имкониятишундай каттаки, унинг сиймосида ақл идрок, тийрак, сезгир, меҳрибон, хатто донишманд инсон гавадланади. Ўқитувчи сиймосида ўқувчилар эзгу нияти, орзу истаги, истиқболи, ажойиб ва ғаройиб ҳис туйғуларини рўёбга чиқарувчи камолот чўққисидаги шахсни тасаввур қиладилар.

Ўқувчининг психик жиҳатдан тараққий қилиш оқибатида ўқувчиларнинг мутлоқлигига муносабати бироз ўзгаради, бунинг асосий сабаби унда онгли хатти – ҳаракат эҳтиёжнинг туғилиши ҳисобланади.

Таълим жараёнида ўқитувчи обрўсидан оқилона фойдаланиб, ўқувчида уюшқоқлик, меҳнатсеварлик, ўқишга нисбатан ижобий муносабат, диққатни бошқариш, ҳулқни ирода қилиш, ўз – ўзини қўлга олиш, ўз – ўзига тасалли бериш фазилатларини

шакллантириш ва интилиш, фаоллик туйғуларини вужудга келтириш таълим жараёнида юкори самара беради. Педагогик одоб назорат нуқтаи назаридан ўқитувчи обрўсини ўқувчилар даврасида тўкиш ёки шахсиятига тегиш, мазаҳ қилиш мутлоқо мумкин эмас.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда илмий тушунчаларни тўғри таркиб топиши учун ўқитувчи бола тафаккурининг ривожланиши хусусиятларини, унинг қонуниятларини пухта англаб олган бўлиши керак. Болалар нарсалар сонининг ўзгармас тушунчасини 9-10 ёшида, ҳажмининг ўзгармаслигини эса фақат 11-12 ёшида тушуниб етадилар. Учинчи синдан бошлаб ўқувчилар турли вазиятларни даллилар асосида даллилаб беришга ўтадилар, бунинг сабаби шуки, уларнинг билими кундан – кунга оша боради, натижадамаълум билимлар тизими ҳосил бўлади. Улар бу даврга келиб ўз ҳукмининг чин ёки ёлғон эканлигини англаб етадилар.

Болаларни тарбиялашда самарадорлигини оширишда анъана ва урф – одатларнинг роли катта. Халқ урф- одатлари, анъаналари ва маросимлари катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Улар одамларни бир – бирига яқинлаштиради, дўстлик биродарлик ҳис – туйғуларини ривожлантиради. Булар ўз навбатида ёшлар учун ибрат намунасини ўтайди.

Тарбия жараёнида ғамхўрликнинг функцияси каттадир. Болалар бефарқ ота- оналарга нисбатан ғамхўр ота-онага кўпроқ тақлид қиладилар. Ғамхўр ота-оналар боланинг салбий хулқ-атворини қўллаб-қувватламаганда, бола ўз хати-ҳаракатларининг оқибатида эртароқ англайди.

Тарбиявий жараённи амалга оширишда ғамхўрлик билан бир қаторда яхши кўришга асосланган интизомга риоя қилиш зарурдир. Бу бола билан доимий мулоқатни, тушунтиришни, муҳокама қилишни, агар боланинг хулқ-атвори шуни талаб қилса, оғзаки танбеҳ беришни, яхши хулқ-атвор учун тақдирлашни назарда тутати.

Бола шахси ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини унинг илк давридаги ривожланишини аниқламасдан туриб тушуниш қийин. Ахлоқий ривожланиш илк бор шахснинг умумий хусусиятлари ва хислатлари шаклида шаклланиши ҳақидаги ғоялар илк бор **Х.Хартшорн** ва **М.Мейлар** томонидан илгари сурилган бўлиб, уларнинг фикрича, ахлоқий хулқ-атворни келтириб чиқарувчи ва фаолиятга ундовчи феноменлар аниқланмагунича ахлоқий ривожланишни ўрганиб бўлмайди.

Маълумки, болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан оила, маҳала, таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар. Илмий-педагогик кадрлар шуғилланадилар. Тарбия жараёнида барча иштирокчиларнинг баҳамжиҳатлик билан олиб борадиган ишларгина, ўзининг ижобий натижаларини бериши мумкин.

**Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий-ахлоқий тарбияланганлигининг қиёсий даражаси.**

Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий-ахлоқий тарбияланганлиги	Тажриба-синов аввалида		Тажриба-синовдан кейин	
	Назорат гуруҳи - 100 ўқувчи		Тажриба гуруҳи -100 ўқувчи	
	ўқувчи сони	Ҳоиз ҳисобида	ўқувчи сони	Ҳоиз ҳисобида
Ҳар томонлама тарбияланган	38	38%	50	50%
Нисбатан ҳар томонлама тарбияланган	23	23%	15	15%
Бир томонлама	18	18%	20	20%
Суст ривожланган	17	17%	8	8%
Салбий хатти-ҳаркатларга эга	4	4%	7	7%

**Жадвал №2**

Гуруҳлар	Ўқувчилар сони	Жавоблар сони		
		Юкори	Урта	Паст
Тажриба	100	50	30	20
Назорат	100	38	33	29

**Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий-ахлоқий тарбияланганлик даражаси**

Гуруҳлар	Дастлабки тажриба босқичида				
	1- гуруҳ	2-гуруҳ	3-гуруҳ	4-гуруҳ	5-гуруҳ
Тажриба гуруҳи 100	22	25	16	25	12
Назорат гуруҳи 130	18	35	24	26	27

Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий – ахлоқий тарбияланганлигига таъсир этувчи омиллар фаолияти ҳам муаммо нуқтаи назаридан ўрганилганда, бу соҳада ҳам тарбия жараёнида муассаса, марказ ва ташкилотлар ўртасида мустаҳкам узвий алоқа анча сустиги маълум бўлди.

Ушбу битирув малакавий иш маънавий -ахлокий тарғибот ишларини ташкил этиш, уюштириш ва мувофиқлаштириш учун асосий манба бўлиб хизмат қилади.

## **2.1. Бошланғич синф ўқувчиларида маънавий – ахлокий тарбиялашнинг аҳволи ва уни такомиллаштириш йўллари.**

Жамият ҳеч вақт бир жойда тўхтаб қолмайди, балки мудом ривожланишда бўлиши ҳаётий қонуният. Бинобарин таълим – тарбия жамиятнинг олға ривожда зарур бўлган омилларни шакллантиради. Таълим – тарбия умумхалққа тегишли ва айни пайтда одамлар ёшига, ўсув даражасига қараб маълум йўналиш ҳамда мезонларга эга бўлади. Бу таълим – тарбиянинг андозага бўлган эҳтиёжини ҳам белгилайди. Демокчимизки, таълимнинг ҳам, тарбиянинг ҳам меъёри, мазмун мундарижаси, йўналиш турлари, миқдори бўлади. Одамзод ўзини таний бошлагандан таълим – тарбияга эҳтиёж сезади. Ўз – ўзидан маълумки, халқ ва Ватаннинг келгуси истиқболи, тақдири бугун мактабда таълим олаётган авлодга боғлиқ. Таълим – тарбиянинг мазмуни, савияси мамлакат иқтисодиёти, сиёсатининг оқибатини белгилайди. Шунинг учун ўз келажагини ўйлаган миллат, мамлакат маънавий – маърифий ислоҳатлар орқали маънавий етук авлодни вояга етказиш, улар учун замонавий шарт –шароитлар яратишни биринчи навбатда ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар деб қарайди.

Тарбияли бўлиш – бу хулқ-атворини назорат қилишдан иборатдир. Бундай назорат инсонга ёмон хатти-ҳаракатларни бажармаслик имкониятини беради. Агар шахс хулқ-атворини ахлокийлиги ҳақида қайғурса, у ижтимоийлашувга эришган бўлади. Тарбия ўз моҳиятига кўра ижтимоий жиҳатдан ижобий эҳтиёжларни ҳосил қилишидир. Агар таълим шахснинг онгини шакллантириш бўлса, тарбия унинг онгсизлик соҳасига таъсир этишдир. Болаларга уларни тарбиялайдиганларга ҳиссий яқинлик хос. Ота-онанинг ғамхўрлигини билдирадиган сўзлар, хатти-ҳаракатлар бола учун жуда катта аҳамиятга эга, уни эркаламаслик, суймаслик салбий аҳамиятга эга бўлади. Хулқ-атворнинг дастлабки ижтимоийлашуви худди шу ўрганиш жараёни орқали содир бўлиши мумкин:

хулқ-атворнинг исталган шакллари ғамхўрлик ва эътибор билан тақдирланади, кутилмаган шакллари эса кўллаб-қувватланмайди. Лекин, яхши хулқ-атворни рағбатлантириш ва ёмон хулқ-атвор учун жазолаш ахлоқий ижтимоийлашувнинг кичик бир қисмидир. Биз кўриб чиққан хулқ-атвор ҳамма боларга ҳам тааллуқли эмас.

Болаларни тарбиялашда самарадорлигини оширишда анъана ва урф – одатларнинг роли катта. Халқ урф- одатлари, анъаналари ва маросимлари катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Улар одамларни бир – бирига яқинлаштиради, дўстлик биродарлик ҳис – туйғуларини ривожлантиради. Булар ўз навбатида ёшлар учун ибрат намунасини ўтайди.

Тарбиявий жараёни амалга оширишда ғамхўрлик билан бир қаторда яхши кўришга асосланган интизомга риоя қилиш зарурдир. Бу бола билан доимий мулоқатни, тушунтиришни, муҳокама қилишни, агар боланинг хулқ-атвори шуни талаб қилса, оғзаки танбеҳ беришни, яхши хулқ-атвор учун тақдирлашни назарда тутати.

Бола шахси ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини унинг илк давридаги ривожланишини аниқламасдан туриб тушуниш қийин.

Ахлоқий ривожланиш илк бор шахснинг умумий хусусиятлари ва ҳислатлари шаклида шаклланиши ҳақидаги ғоялар илк бор **Х.Хартшорн ва М.Мейлар** томонидан илгари сурилган бўлиб, уларнинг фикрича, ахлоқий хулқ-атворни келтириб чиқарувчи ва фаолиятга ундовчи феноменлар аниқланмагунича ахлоқий ривожланишни ўрганиб бўлмайди. Х.Хартшон ва М.Мейлар олиб борган тадқиқотларининг асосий мақсади ахлоқ нормаларига риоя қилишда бола шахсининг умумлашган ҳислатларини шакллантириш муҳим рол ўйнайдими ёки хусусий ахлоқий одатлар аҳамиятлироқми, деган саволга жавоб топиш бўлиб, тадқиқотлардан шу нарса аниқланадики, ахлоқий нормаларни бола онгига сингдирилишида хусусий одатларни юзага келтириш ва ўзига хос таълим назариясига асосланиш устунлиги яққол намоён бўлади.

Бошланғич синф ўқувчилари томонидан баъзи бир ахлоқий тушунчалар ва тасаввурларнинг ўзлаштирилиши ва уларнинг бола шахсига бўлган таъсирини психологик нуқтаи назардан ўрганган В.А.Крутетский ўз тадқиқотида 10 та асосий тушунчани танлаб олади. Булар: қатъийлик, сезгирлик, фахрланиш, ҳақгўйлик, мадлик, бир сўзлик, камсуқимлик, кўркмаслик, бурч кабилардир. Олим ўтказган тадқиқотдан шундай хулосага келадикки, ўқувчилар ушбу тушунчаларни шакллантиришлари ва ҳаётга тадбиқ этишлари учун:

Ўқувчилар фаоллигини ошириш;

Уларда эмоционал қўзғалишни вужудга келтириш;

Ҳаётий фаолиятдан кенг фойдаланиш;

Бир – бирига қарама – қарши тушунчаларни чуқур таҳлил қилиш зарур экан.

Бола ва мактаб ёшида шахс тарбиясининг ҳал қилувчи таъсири остида таркиб топади. Тарбия махсус фаолият сифатида муайян дастурнинг, англаб олинган мақсаднинг мавжудлиги билан таъсир кўрсатишнинг махсус ишлаб чиқилган ва асбоблаб берилган воситалари, шакллари ҳамда методларининг тасодифий ёки стихияли таъсирларидан ажралиб туради. Маълумки тарбиянинг энг муҳим вазифаси ёш авлодда мустаҳкам эътиқод ва ҳис-туйғулар ҳамда уларга асосланган маънавий хулқ-атвори ҳосил қилишдир. Бу вазифани шахсни фаол ва муайян мақсадни кўзлаган ҳолда, шунингдек боланинг индивидуал хусусиятларни ҳисобга олган тадқиқдагина ҳал этиш мумкин.

Машҳур олим Гербарт тарбия мақсадни белгилаб олишга катта аҳамият берган. У тарбиянинг мақсад ва вазифаларини яхши фазилатли кишини таркиб топишдан иборат, деб ҳисоблайди. Гербарт тарбия ишида ақлий таълимга тарбиянинг энг катта ва асосий воситаси деб билиб, таълимсиз тарбия бўлмайди деб ҳисоблаган. Ахлоқий тарбия узликсиз равишда таълим билан биргаликда аввало оилада, кейинчалик таълим – тарбия муассасаларида бериб борилади. Бола шахсини қарор топишида энг муҳим вазифаси ўқувчида ахлоқ талабларига жавоб берадиган эътиқод ва идеалларни таркиб топтиришдир. Бошланғич синф ўқувчиларининг шаклланишидаги жараёнда юзага келган ахлоқий эътиқод ва идеаллар системаси, яъни унинг маънавий онг ҳукмронлик қилувчи, унинг ижтимоий фаоллигини белгилаб берувчи омилга айланади.

Ўзбек оиласида ахлоқий тарбия моҳияти, мазмуни тарбиянинг кундалик режаси, болаларга таъсир ўтказиш воситасини танлаш ва ундан унумли фойдаланиш ўзига хос хусусиятга эга, чунки унинг асосида халқ анъаналари ётади.

Ёш авлод тарбиясида миллий руҳият, умуминсоний, халқчил миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналар етакчи ўрин тутмоғи лозим (тарбияда этнопсихологик ва этнопедагогик муносабат). Булар орқали ёшларда қуйидаги фазилатларни тарбиялаш лозим:

- а) ёшларда ватанпарварлик ҳис-туйғуларини шакллантириш;
- б) хайрихоҳлик. Одамларга ҳурмат. Меҳр-шафқат;
- в) катталарни ҳурмат қилиш, эъзозлаш;
- г) мулойимлик;
- д) ишбилармонлик, моҳирлик, ишчанлик, иқтисодий;
- е) кичик ёшдан меҳнатсеварлик;
- ё) жисмоний бақувватлик;
- ж) ахлоқ-одоблилик;
- з) оилапарварлик;

Маълумки, бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий-ахлоқий тарбияси билан оила, маҳала, таълим муассасалари, оммавий ахуорот воситалари, илмий-педагогик кадрлар шуғилланадилар. Тарбия жараёнида барча иштирокчиларнинг баҳамжиҳатлик билан олиб борадиган ишларгина, ўзининг ижобий натижаларини бериши мумкин.

Мактабларда ўқиш – ўқувчиларнинг ўқитувчилар томонидан ташкил қилинган ва раҳбарлику қилаётган ижодий чинакам жамоа меҳнатдир. Ўқув ишлари тўғри уюштирилган тақдирда, ҳар бир бошланғич синф ўқувчиси ўзига берилган топширикни бажариш учун синфдаги ўртоқлари ва бутун мактаб жамоаси олдида маъсулиятли эканини ҳис қилади. Мактабларимизда фанларни юксак даражада ўзлаштириб ўқиш учун, онгли интизом учун кураш олиб бориш ўқувчиларгагина эмас, балки ўқитувчиларнинг ҳам умумий вазифасидир. Ҳамма учун умумий иш бўлган ўқиш бутун синф ўқувчиларини дўстона жамоа қилиб жипислаштиради. Синф ўқувчилар жамоси тузилгандан кейин, бу жамоа ўқувчилар ахлоқини тарбиялашда энг муҳим воситалардан бўлиб қолади. Ўқувчилар. Катталар, ота-оналар жамоани тарбиялашда энг муҳим воситалардан биридир. Жипислашган жамоа бўлиб бирлашган ҳамжиҳат синфда интизом, одатда юксак бўлади ва ўқувчилар ўқув дастурларимазмунини ҳам яхши ўзлаштирадилар.

Бундай синфда ўзаро ёрдамлашиш доимо яхши йўлга қўйилган бўлади, жамоатчилик фикри эса ўқитувчига ёрдам бериш учун доим тайёр ҳолда туради. Шунинг учун ўқитувчи одатда, болаларнинг ўқитишга киришиши биланок ўз синфларини жипислашган, ҳамжиҳат жамоага айлантиришга ҳаракат қилади. Шу мақсадда улар дарсларда ўқув ишларининг жамоа шаклларини кенг қўллайдилар, ўқишда орқада қолган ўқувчилар ўртоқларча ўзаро ёрдам уюштирадилар, интизомни бузувчиларга қарши бутун синф ўқувчилари жамоатчилик фикрини жалб қиладилар.

Шунинг учун оиладан бошлаб маънавий-ахлоқий тарбияни кучайтиришимиз шарт ва зарур. Агар боғча, мактаб, ўқув юртларида маънавий-ахлоқий тарбия ибратли тарзда амалга оширилмас экан, кутубхона, маданият саройлари, истироҳат боғлари, музейлар, ижодкор ўқувчилар уйлари, стадион ва спорт тўғарақлари хўжакурсинга иш юритса маънавий-ахлоқий ишларимизда мазмун бўлмайди.

Шахс одам иштирок этадиган ижтимоий муносабатлар системасининг таъсири остида ва унда ўзи бажарадиган фаолият таъсири остида таркиб топади. Ижтимоий муҳитнинг, жамоанинг шахсга таъсири тўғрисида гапирар экан, ижтимоий психология ишлаб чиқаётган референт гуруҳ тушунчасига асосланиш зарур. Гап шундаки, ҳамма одамлар ҳам, хатто энг яқин теварак – атрофдаги одамлар ҳам мактаб ўқувчисининг шахсига таъсир қилавермайди, кўпларнинг фикрларига у бефарқ қарайди. Ҳар бир одам

учун бўлганидек, мактаб ўқувчиси учун ҳам айрим гуруҳлар (баъзан бундай гуруҳ бир кишидан ташкил топган бўлиши ҳам мумкин) мавжуд бўлади, у шахс сифатида бу гуруҳларнинг фикрлари, ўзи учун ниҳоятда аҳамиятли бўлган мулоҳазалари билан ҳисоблашади. Оила, синф, синфдаги айрим ўқувчилар, баъзи ўқитувчилар, ҳовлидаги улфатлар, яқин дўст ва ҳоказолар муайян мактаб ўқувчиси учун ана шундай референт гуруҳлар бўлиши мумкин. Мактаб ўқувчисининг тез-тез учраб турадиган тарбиявий таъсирларга беварқ ёки хаттосалбий муносабатда бўлиш ҳолларига кўпинча зқувчининг тарбиячига маълум бўлмаган референт гуруҳ позициясида туриши сабаб бўлади. **А.В.Петровскийнинг** оқилона фикрига кўра, агар тарбиячи, мактаб ўқувчисига айрим ҳолларда ҳеч нарса ва ҳеч ким таъсир қила олмайди, деб даъво қиладиган бўлса, бу нарса одатда тарбиячининг мактаб ўқувчисининг ахлоқий позициясини белгилаб берадиган таъсирли референт гуруҳлардан мутлақо хабарсиз эканлигини билдиради.

Болалаик ва мактаб ёшида шахс тарбиянинг ҳал қилувчи таъсири остида таркиб топади. Тарбия махсус фаолият сифатида муайян дастурнинг, англаб олинган мақсаднинг мавжудлиги билан таъсир кўрсатишнинг махсус ишлаб чиқилган ва асослаб берилган воситалари, шакллари ҳамда методларининг қўланилиши билан тасодифий ва стихияли таъсирлардан ажралиб туради.

Мактаб ўқувчисининг муайян қоидалар ва нормаларни билиши маънавий хулқ – атворнинг зарур шартидир. Бироқ ахлоқ нормаларини шу тариқа билиш ўз – ўзидан ахлоқий хулқ – атворни амалиётсиз ўзлаштириб олиш маънавий билимлар билан маънавий хулқ – атвор ўртасидаги ажралишда ифодаланадиган “ахлоқий расмиятчилик” деб аталувчи ҳолатнингюзага келишига олиб баради. Шунинг учун мактабгача тарбия муассасаси тарбияланувчиси, мактаб ўқувчисининг ҳаёти ва фаолиятини тўғри ташкил қилиш, ижодий ахлоқий ижтимоий хулқ – атвор тажрибаси унинг шахсинитаркиб топтиришда асосий жиҳат бўлиши керак. Ўқувчи бу жиҳат тарбиячи раҳбарлигида ҳосил бўлади. Бу нарса ўқувчиларда табиий, ахлоқий ва ғоявий – сиёсий билимлар мажмуасини (бу билимлар муайян даражада етакчи роль ўйнаган пайтди) таркиб топтириш билан юз бериши керак.

Психологлар (аввало Л.И.Божович ва унинг ходимлари) бола ва мактаб ўқувчисининг шахсини таркиб топтиришда унинг фаолиятини тўғри ташкил қилиш, унинг тўғри хулқ – атвор тажрибасини орттиришигина эмас, балки унинг хулқ – атворининг (маълум ҳаракатга ундовчи фикрлари, ҳис –туйғулари, мақсадлари системасини) тўғри мотивларини тарбиялаш ҳам ҳал қилувчи нарса эканлигини кўрсатиб берадилар.

Шунинг учун ҳам муҳтарам Президентимиз айтганларидек, “Буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимиз тараққиёти ва истиқболи, амалга оширилаётган ислохотларимиз, режаларимизнинг самарали тақдири” - буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз. Шундай экан, мустақиллигимизнинг истиқболи, мамлакатимизнинг эртаси, буюк келажак яратиш йўлидаги дастурий мақсадларнинг пировард натижаси комил авлодни вояга етказишга, таълим - тарбия тизимида жиддий янгиланишларни вужудга келтиришга боғлиқ. Демак, биз ҳозирда мактаб ва ўқув юртларида таълим - тарбия мазмунини замон талабларига мувофиқ ўзгартиримиз, ўқитувчилар савияси, педагогик маҳоратини тубдан яхшилашимиз орқали таълим- тарбия тизимини такомиллаштиришимиз лозим бўлади. Хуллас, таълим-тарбия тизими ҳар жиҳатдан ислоҳга муҳтож. Ўқув дастурларидан тортиб, ўқув жараёнининг ички мазмунигача, ўқитувчиларимизнинг билим савияси, маҳоратидан тортиб, жамоатчилик ўртасидаги нуфузигача - барча-барчасида ислоҳ қилишга, янгича муносабат билдиришга эҳтиёж сезилиб туради. Президентимиз мактабнинг замона тараққиётидан орқада қолаётганлигини таъкидлаши бежиз эмас. Бинобарин, мактаб ислоҳотига жиддий ёндашмаслик, у тараққиётдан орқада қолавериши билан мушкулларимиз ортганидан ортиб бораверади. Бунинг устига, одамларимиз ҳам аввалги одамлар эмас. Аксариятимизнинг дунёқарашимиз, маънавиятимизга бозор иқтисодиёти шарт-шароитлари акс таъсир кўрсатди. Натижада хусусийликни шахсийликка айлантириш, шахсий манфаат йўлида кўпроқ меҳнат қилиш, пулни барча муаммоларни ҳал этишнинг ягона воситаси деб қаровчи кишилар тез кўзга ташланади. Бу ҳол кўпгина ёшларни бозор муомаласига тортаётганлиги маълум. Айрим нурунийларнинг “бозор болаларимизни бузди”, деган гапларининг тагида жуда катта маъно бор. Бундан ташвишланмаслигимиз мумкин эмас. Мактаб ислоҳотини изчиллик билан амалга ошириш орқали фарзандларимизни билимга, касб-ҳунарга ўргатишимиз жамият келажаги учун қайғурган ҳар бир кишининг муҳим вазифасидир.

Ўзликни англаш ҳар бир одамдан ўзининг кимлигини, кадр-қиммати ҳаётдаги ўрнини билиш билан чекланмайди. Одам ёлғизликда ва бемаскан яшай олмагани каби халқдан, миллатдан, ватандан айрича бўла олмайди. Бинобарин, ўзи мансуб халқ, миллатнинг қадри, ўзи яшаётган Ватан мустақиллиги, иқболини англаш, ҳис этиш, улар учун қайғуриш ҳам ўзликни англашнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ўзлигини англамаган кишида на миллат туйғуси, на Ватан қайғуси бўлади. Ундай кимса ошқозон билан нафас олиш, жиғилдон билан ўйлашдан нарига ўтмайди. Ўзликни англашнинг таг

заминида миллий онг, миллий туйғу, миллий ғоя, маънавий ахлокий кадриятлар, миллий анъаналар ётади. Шу билан бирга ўзликни англаш ҳаётӣ эҳтиёжлар ва заруриятларнинг юзага келишини тезлаштиради. Бу ҳол шахсни нафақат ўзлиги, балки миллат, халқ ва ватаннинг истиқболи, фаровонлиги учун ҳаракатга йўллайди. Демакки, ўзликни англаш шахс, миллат ва давлат тараққиётини тезлаштирувчи маънавий - маърифий омилнинг ўзак томири ҳисобланади. У айна пайтда инсон ақл-заковати, туйғуси салоҳиятининг тобора юксакликка кўтарилишини таъмин этишга хизмат қилади.

Шунинг учун оиладан бошлаб маънавий - ахлокий тарбияни кучайтиришимиз шарт ва зарур. Агар боғча, мактаб, ўқув юртларида маънавий-ахлокий тарбия ибратли тарзда амалга оширилмас экан, кутубхона, клуб, маданият саройлари, истироҳат боғлари, музейлар, ижодкор ўқувчилар уйлари, стадион ва спорт тўғарақлари хўжакўрсинга иш юритса, маънавий - ахлокий ишларимизда мазмун бўлмайди.

Психологларнинг берган маълумотларига кўра, биргина фаолиятнинг ўзида (бу фаолиятнинг бола учун нима сабабдан юз беришига ҳам қараб) шахснинг ҳар хил (ва хатто бир бирига қарама – қарши бўлган) сифатлари таркиб топиши мумкин. Масалан, биз тарбияланувчиларни бошқаларни очикдан – очик ва дадил танқид қилишга ўргатамиз. Ана шундай қилиш билан болада жасурлик, соф диллик, танқидий кўз билан қараш каби фазилатлар таркиб топади деб ҳисобланади. Аммо биз айтилганларни ҳисобга олмасак, ҳамиша ҳам ўзимиз кўзлаган мақсадга эришавермаймиз. Чунки хулқ – атворнинг ана шу тўғри шакли негизида мактаб ўқувчиси амал қиладиган мотивлар ётади. Бу хулқ – атвор шахсан ўқувчининг ўзи учун қандай маънога эга бўлишига қараб, унда ҳар хил сифатлар таркиб топиши мумкин. Агар ўқувчи ўз ўртоғини қатъий мотивлар асосида танқид қиладиган бўлса, бу танқид унинг ўртоғида характернинг принципиаллик, қатъийлик, ҳалоллик сингари сифатларини таркиб топтиришга ёрдам беради; боди-ю, ўз айбини ўртоғининг бўйнига қўйиш истаги билан танқид қилинадиган бўлса, унда шу асосда қасоскорлик, маккорлик, инсофсизлик ҳислатлари таркиб топиши муукин. Бинобарин, тўғри хулқ – атвор тажрибаси бу хатти – ҳаракат муайян мотивлар асосида амалга оширилган вақтдагина кўзланган мақсадга олиб келади. Шунинг учун хулқ – атворнинг тўғри мотивларини тажрибада тарбиялаш ва мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб ётади. Мактаб ўқувчиларда муайян вазиятларда тарбиявий таъсирлар воситасида юзага келадиган ижобий мотивлар уларнинг тажрибасида мустаҳкамланиши ва барча бошланғич вазиятларга тарақалиши керак.

Бошқача қилиб айтганда, шахснинг ҳар бир сифат структурасига, бинобарин, мактаб ўқувчисининг тегишли хатти – ҳаракатига ижобий муносабатда бўлишига имкон берадиган мотив, иккинчидан, хатти – ҳаракатларнинг мустаҳкамланган усули киради.

Шундай қилиб, шахснинг хислати олимлар фикрига кўра, хатти- ҳаракат мотивлари ва бу мотивлар тегишли шакллариининг ўзига хос бирикмасидир. Хатти – ҳаракат барқрор, ҳукмрон (асосий) мотивларнинг системасини баъзи психологлар шахснинг йўналиши деб таърифлайдилар. **М.С.Неймарк** мактаб ўқувчиларининг йўналишини тадқиқ қилади ва бу йўналишнинг учта асосий турини – жамоа, шахсий ва ишчанлик йўналишларини (ишга, фаолият жараёнига бўлган йўналишни, ижодий фаолиятга қизиқишни) алоҳида ажратиб кўрсатади. Йўналишнинг жамоаси, шахсий турлари бир хил, тўғри характеристикасига эга бўлмаслиги керак. Асосий жамоа йўналишидан ташқари “худбинлик гуруҳи” деб аталган йўналиш – бошқа жамоаларнинг қизиқишларигина эътироф этадиган йўналиш ҳам бор. Шахсий йўналиш шахсий ютуқларга эришишга қаратилган йўналиш сифатида ҳамма вақт ҳам жамоа йўналишига қарама – қарши бўлавермайди.

Психологлар тарбиявий иш методларининг психологик асосларини ишлаб чиқаётганларида, тарбиянинг ҳар қандай методига абстракт тарзда қараб ва уни баҳолаб бўлмайди, деган фикрга асосланганлар. Бу методлар қўлланилаётганда, бириичидан, тарбияланаётган ўқувчининг ёш ва индивидуал хусусиятларни, ниҳоят, тарбиявий таъсир кўрсатиладиган муайян концерт шароитларни ҳисобга олиш зарур. Шахснинг ижобий йўналишини таркиб топтириш учун, мактаб ўқувчисининг барча вазият ва ҳолатларида тўғри йўл тутиши учун унинг нима қилишни билиши, ўзи ҳурмат қиладиган кишиларнинг нима қиладиганларини кўриш ва ўзи ҳам тўғри хулқ – атворли бўлишни машқ қилиши зарур.

Билимлар, ахлоқий тасаввурлар ва тушунчаларнинг муайян системасини эгалламасдан туриб ҳақиқий эътиқодларни таркиб топтириб бўлмайди. Ўз – ўзидан бу билимлар ахлоқий хулқ – атворни белгиламасдан туриб унга жиддий таъсир кўрсата олмайди. Психологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ахлоқий тушунчаларни ўзлаштириш жараёни жуда мураккаб жараён бўлиб, унга махсус раҳбарлик қилишни талаб этади. Ўқувчиларнинг тасодифий ҳоллар, кўчадигиларнинг салбий таъсири, катталарнинг ноўя хатти – ҳаракатлари таъсирида таркиб топадиган ахлоқий тушунчалари тарбиячилар ва жамоа томонидан тўғри ғоявий раҳбарлик қилинмаса, хатто, нотўғри, бузуқ тушунчаларга айланиб қолиши мумкин. Баъзан ўқувчи турмушдаги бирор факт ёки фақеани, адабий асарлардаги мазмунни, кинокартинкаларни ўзи мустақил тушуна олмай, нотўғри хулосаларга келиб қолади. Ўқувчида хато фикрларгина эмас, балки маънавий тамойилар ва установакалар руҳига кўра бизга ёт бўлган хатолар ҳам жуда оғир шароитлар юзага келиши мумкин. Кўпчилик нотўғри хатти – ҳаракатларнинг юз беришига ана шулар сабаб бўлади.

Ахлоқий онгнинг таркиб топтиришнинг энг муҳим йўли ўқувчиларнинг ўзларида тўғри хулқ – атворни юзага келтириш билан ахлоқий тажрибани бойитиш ва умумлаштириш йўлидир. Ўқувчилардаги ахлоқий билимнинг турли – туман шакллари, уларнинг онги ва ҳис – туйғуларига жонли, ёрқин, оташин сўзнинг (жамоаларда уюштирилган суҳбатлар, маърузалар, мунозаралар) таъсири бу ишни тўлдириши мумкин.

Бунинг муайян тамойилар ишлаб чиқилган бўлиб, ахлоққа доир суҳбатлар ўша тамойиллар асосида тузилиши керак. Бу тамойиллар қуйидагилар:

1. Ахлоққа доир суҳбатлар мазмуни жиҳатдан тегишли ёшдагиларга тушунарли бўлиши лозим. Мавҳум ва абстракт тушунчалар, мураккаб мулоҳазалар билан толиктириб қўйишга йўл қўйиб бўлмайди.

2. Одатда, суҳбат ўтказиладиган жамоани, унинг йўналишини, бу жамоа аъзоларининг ўзаро муносабатларини, ўқитувчининг бошқаларга муносабатини яхши билиш зарур.

3. Бундай суҳбатларни меъеридан ортиқча ўтказиб турмаслик даркор. Агар суҳбатлар конкерт сабаблар билан, мамлакат ёки жамоа ҳаётидаги бирор воқеага тўғрилаб ўтказилса, жуда яхши натижа беради.

4. Суҳбатни ёрқин, яхшилаб танлаб олинган аниқ мисоллар асосида, ҳаётиё воқеалар ёки адабий асарлардаги фактларни ҳамда кузатишларни таҳлил қилишдан бошлаб, умумлаштириш ҳамда хуласалар чиқаришга ўтиш тавсия этилади.

5. Эмоционал тарзда келтирилган, ёрқин ва таъсирчан образга оқилона таяниш (нафис санъатдан, адабиёт асрларидан фойдаланиш, кинофильмлар ёки театр асрларига жамоа бўлиб бориш ёхуд уларни жамоа бўлиб эслаш) зарур.

6. Ўқувчиларнинг онгига сингдириладиган қоидаларнинг яхшилаб асослаб берилиши, исботланган бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бу жиҳат ҳамма нарсани тушуниб олишга ва бунинг оқибатида уларни дадил қарор қабул қилишга, унинг асосланганлигига ишонч ҳосил қилишга, оқилона исботларга рози бўлишга қодир бўлган ўсмирлар ва катта ёшдаги ўқувчилар билан суҳбат ўтказиш пайтида жуда муҳимдир. Бошқа томондан, бу ёшда сўз таъсирининг самарадорлиги пасайиб кетиши мумкин, чунки ўқувчида ривожланиб бораётган танқидий муносабатлар кўпинча уни катталарнинг далилларга эҳтиёткорлик билан, ишонмасдан ва нотўғри тушуниб қабул этишга, уларнинг далилларини рад этишга, бирор қоида билан келишмасликка, катталарнинг илтимослари ва талабларига қарши чиқишга мажбур этиши мумкин. Бошқа нарсани ҳам назарда тутиш керак: ўқувчи кўпинча катталарнинг ўзига ақлли киши деб мурожаат қилишларидан, унинг кўп нарсани тушунишга ишонишлардан мағрурланиб юради. Унда бу ишончни оқлаш, ана шундай муносабатга муносиб киши бўлиш истаги юзага келади.

7. Ўқувчиларда максимал фаоллик уйғотиш, жонли равишда фикр алмашиш истагини уйғотиш, уларнинг фикрини авж олдириш ва ўзларини ахлоқмасалалари устида ўйлаб кўришга мажбур қилиш зарур. Ўқувчиларга тайёр ҳақиқатни зўрлаб қабул қилдириш ярамайди, ахлоқ номалари ҳақидаги хулосаларни уларнинг фаол иштирокида (аммо ўқитувчи раҳбарлигида) чиқартириш керак. Бунинг учун суҳбат жараёнида муҳокамага қўйилиши керак бўлган масалаларни олдиндан тайёрлаб қўйиш тавсия этилади.

8. ўқувчиларда чуқур ва таъсирчан эмоцияларни уйғотишга интилиш лозим. Бунга ўқитувчилар ўқувчилар билан ўтказиладиган суҳбатни бефарқ ва шавқ – завқсиз эмас, балки эмоционал тарзда жонли қилиб ўтказганидагина эришиш мумкин.

## **2.2. Бошланғич синф ўқувчиларида дарсдан ташқари ишлар жараёнида ахлоқий сифатларини шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари.**

Мактабларда ўқиш - ўқувчиларнинг ўқитувчилар томонидан ташкил қилинган ва раҳбарлик қилинаётган ижодий чинакам жамоа меҳнатидир. Ўқув ишлари тўғри

уюштирилган тақирда, ҳар бир ўқувчи ўзига берилган топшириқни бажариш учун синфдаги ўртоқлари ва бутун мактаб жамоаси олдида маъсулиятли эканини ҳис қилади. Мактабларимизда фанларни юксак даражада ўзлаштириб ўқиш учун, онгли интизом учун кураш олиб бориш ўқитувчиларнигина, эмас балки ўқувчиларнинг ҳам умумий вазифасидир.

Ўқув ишлари - жипслашган ўқувчилар жамоасини ташкил қилишда асосий йўлдир. Ҳамма учун умумий иш бўлган ўқиш бутун синф ўқувчиларини дўстона жамоа қилиб жипслаштиради. Синфда ўқувчилар жамоаси тузилгандан кейин, бу жамоа -ўқувчилар ахлоқини тарбиялашда энг муҳим воситалардан бўлиб қолади. Ўқитувчилар, катталар, ота-оналар жамоаси тарбиялашда энг муҳим воситалардан биридир. Ўқитувчилар, катталар, ота-оналар жамоасини тарбиялайди, уни изга солади, мустаҳкамлайди, шундан кейин бу жамоанинг ўзи катта тарбиявий кучга айланади. Ўқув ишларининг бир ячейкаси бўлган синф - ўқувчилар жамоасининг асосий шаклидир. Жипслашган жамоа бўлиб бирлашган, ҳамжиҳат синфда интизом, одатда, юксак бўлади ва ўқувчилар ўқув дастурлари мазмунини ҳам яхши ўзлаштирадilar.

Бундай синфда ўзаро ёрдамлашиш доим яхши йўлга қўйилган бўлади, жамоатчилик фикри эса ўқитувчига ёрдам бериш учун доим тайёр ҳолда туради. Шунинг учун яхши ўқитувчи одатда, болаларни ўқитишга киришиш биланок ўз синфларини жипслашган, ҳамжиҳат жамоага айлантиришга ҳаракат қилади. Шу мақсадда улар дарсларда ўқув ишларининг жамоа шакллари кенг қўллайдилар, ўқишда орқада қолган ўқувчиларга ўртоқларча ўзаро ёрдам уюштирадilar, интизомни бузувчиларга қарши бутун синф ўқувчилари жамоатчилик фикрини жалб қиладилар.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар ҳам ўқувчиларни жипслаштириш, жамоани ташкил қилишда муҳим восита-лардандир. Бу ишлар ўқувчиларнинг фан, санъат, жисмоний тарбия ва спортга бўлган, айниқса миллий кураш, яъни узбек курашини ташкил қилишга бўлган қизиқиши ва эҳтиёжларини қондиришга қаратилгандир. Мактаб ва мактабдан ташқарида ташкил қилинган илмий тўғарак ва жамият, ансамбль ва студиялар, спорт команда ва секциялар - болалар жамоасини уюштириш шакллари дандир.

Боланинг бўш вақт-ларда қиладиган ишлари, илмий изланишлари уларни жипслаштиради, ҳамжиҳат жамоага бирлаштиради.

Ўқувчиларнинг жипслашуви жамоани мустаҳкамлайди ва уларнинг обрўйини оширади. Бундан жамоанинг тарбиявий таъсири ҳам кучли бўлади.

Маънавий ва маърифий ишлар юзасидан ўтказиладиган тадбирларнинг муайян мажмуи халқимизнинг тарихи, урф-одатлари, расм-русмлари асосида тайёрланиб,

талаба-ёшларда миллий кадриятларимизга ҳурмат уйғотиш руҳида ўтказилиши муҳимдир. Шунинг ҳам айтиш керакки бунда миллий ўзига хосликка ҳаддан ташқари эътиборни қаратиш, бошқа миллатларнинг анъаналари, урф-одатларини озгина бўлса-да камситиш, беҳурмат қилиш кабиларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Миллий кадриятлар бўйича тайёрланадиган тадбирлар умуминсоний кадриятлар бағрида, у билан ички, узвий алоқадорлик тарзида ўтказилиши лозим.

Умуман, бошланғич синф ўқувчилари орасида маънавий -маърифий ишларни режалаштириш ва ўтказиш ҳам мароқли, ҳам масъулиятли вазифа. Шу боис бунда ташкилотчиларнинг изланувчанлиги ва топқирлиги қўл келади.

Болаларни,ёшларни жамоа учун, жамоа орқали тарбиялаш шахс шаклла-нишида муҳим рол ўйнайди. Чунки бола фақат жамоада ва жамоа таъсири остида ўзаро муносабатлар асосида ҳақиқий комил инсон бўлиб шаклланадилар. Жамоа ўз аъзоларига таъсир кўрсатади, улардан муайян хулқ-атворни талаб қилади. Жамоа соғлом фикрининг кучи ниҳоятда каттадир. Жамоанинг маъқуллаш ёки қоралаши, жамоанинг соғлом танқиди, ўз аъзолари олдида кўядиган таъсирли ва жиддий талаблари шахсни таркиб топтирувчи, назорат қилувчи ва тузатувчи муҳим омилдир. Ҳаммага маълумки, ахлоқ қоидалари ва нормаларини бузувчи ўқувчига кўпгина ўқитувчи-ларнинг тарбиявий таъсири ўтмайди. Ёки аксинча, айбдор ўқувчи унинг хатти-ҳаракатларига хайрихоҳлик билдирибгина қолмасдан, балки бир овоздан ва чинакам қоралаган, етарлича зарба берган аҳил жамоанинг сиқувига қарши тура олмайди. Натижада жамоа талабларининг тараккий этиши жипслашган, ахлоқий жиҳатдан ўсган жамоа билан бирга муайян эволюцияни, динамикани бошидан кечиради.

Соғлом ижтимоий фикрга, ўз аъзоларига нисбатан ривож топган танқид ва талабчанликка эга бўлган, иноқ, ғоявий йўналишга эга бўлган жамоа ўз аъзоларига таъсир кўрсатиш кучига эга бўлади ҳамда уларга тўғри йўналишда таъсир кўрсатади. Аммо бунинг ўзи камлик қилади. Ана шундан бундай жамоада таъсир кўрсатишнинг тўғри шаклларини қўллаш олиши, индивидуал ёндошиши, назорат усулини қўллаш хислатларини таркиб топширишдан иборат вазифа бордир.

Жамоада ва жамоа учун тарбиялаш, тарафдори бўлган В.А.Сухомлинский ҳам болалар жамоасида болалар хатти-ҳаракатини муҳокама қилишдан кочиш зарур, чунки бундан айрим ҳолларда бола психикасини шикастланиши, хато ва камчиликларга йўл қўйилиши мумкин деб ҳисоблайди. Дарҳақиқат, жамоа иноқлик билан керакли йўналишда иш тутиб, таъсир кўрсатишнинг ўзини оқламаган шакллари (бурчакка турғизиб қўйиш, уриш, қулогини чўзиш) қўллашга ҳаракат қилган айрим ҳолларда ҳам бўлади. Барча ҳолларда ўқитувчининг жамоа ишига аралашishi ва уни кузатиш ҳуқуқи

сақланиб қолади, шундай бўлса ҳам, жамоа таъсир кўрсатишнинг тўғри шакллари танлай олишига эришиш керак.

Жамоа орқали болани тарбиялашда бола, ўсмир ва ўспирин ўзини кўзгуда кўргандек ҳис қилиши муҳимдир. Чунки бола ҳақиқий жамоадагина ўзини-ўзи англайди, камчилик ва ютуқлари, салбий ва ижобий сифатларини фарқлайди, жамоадаги идеал кишилардан ўрнак олади, уларга ўхшашликка ҳаракат қилади, ўзини-ўзи тарбиялаш имконига эга бўлади. Ўз-ўзини тарбиялаш эса инсоннинг ахлоқий сифатидир. Унда бола ўзини-ўзи қўлга олади, салбий сифатларидан ҳоли бўлишга, яхши сифатларни ўзида шакллантиришга ҳаракат қилади. Бу эса жамоанинг шахс шаклланишига ижобий таъсир этишидир.

Болани шахс сифатида шаклланишида бола ўртасида ўтказиладиган тарбиявий тадбирлар катта рол ўйнайди. Чунки бола ўртасида ўтказиладиган, айниқса мактабларда уюштирилган тадбирлар - жипелашган болалар жамоасини ташкил этишда муҳим воситалардан биридир. Ўқувчиларни жамоа қилиб жипелаштириш учун даставвал умумий мақсад бўлиши керак, ҳамманинг манфаатига тўғри келадиган, бутун синф учун умумий иш бўлиши мақсадга мувофиқ. Кейин жамоа орасида ишларни аниқ тақсим қилиш ва уни бажарилишини мунтазам равишда текшириш лозим. Бунда ҳамма бир киши эканлиги сезилиб туриши лозим. Бу мактаб жамоатчилиги топшириғини яхши бажарган синф, мактаб шарафи (ҳозирги кунда бундай тадбирлар маҳаллаларда ҳам ўтказилиши мақсадга мувофиқ), синф учун, мактаб ва маҳалла учун фахрланиш нималигини тушуниб олиш имконини беради. Мактабларда, маҳаллаларда, кечалар, эрталиклар, экскурсиялар, байрамларни биргалашиб ўтказиш бола жамоасини тузишга ва уни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Мактабдаги болани ҳамжиҳат жамоа қилиб уюштиришда мактаб деворий газетаси катта рол ўйнайди. Чунки газеталарда боланинг (марказий, шаҳар, туман бола газетаси ҳам), дарсларни ўзлаштириш, боланинг ўзаро ва катталар билан муносабати, меҳнатга муносабати, ютуқ ва камчиликларини ёритиши уларни ўзини англаш, ўзига ўзи баҳо бериш каби сифатларни шакллантиради. Ҳар бир ёшнинг ғоявий-сиёсий савияси, билимларни яхши ўзлаштириши, онгли интизомли, жамоатчилик онгининг ташкил топиши, жамоат учун фойдали малакалар ҳосил қилиш ва умумий ривожланиш каби муваффақият билан ҳал этилади. Агар бола учун чоп этиладиган газеталар тўғри йўлга қўйилган тақдирда, у бола жамоасини тузишининг муҳим воситасига айланади.

Мактабда мактаб жамоасини уюштириш, бола камолот жамғармасида бўлиб турадиган йиғилишлар ҳам шахс шаклланишида катта аҳамиятга эгадир. Йиғилишлар боланинг фуқаролик бурчини англаш ҳиссини ўстиради, уларни танқид ва

ўз-ўзини танқидга ўргатади. Бола йиғилишларида энг долзарб ва энг қизиқарли масалалар бўйича баҳслашиш уларда ҳаётини эътиқод ва дунёқарашнинг барқарор шаклланишига таъсир қилади ва муҳокама қилинадиган масалалар юзасидан умумий бир фикрга келиш, факт ва мулоҳазаларни таҳлил қилиш ва ундан тегишли хулосалар чиқаришга имкон туғилади.

Болани жипслашган жамоа қилиб бирлаштиришнинг муҳим воситаларидан бири болани ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилишдир. Биргалашиб меҳнат қилиш жараёнида болада ахлоқий жиҳатдан муҳим бўлган кўпгина фазилатлар ҳосил бўлади. Бола жамоа бўлиб меҳнат қилишлари натижасида жамоанинг қандай кучга эга эканлигини тушунадилар, қийинчиликларни енгишга ва бошлаган ишни охиригача етказишга ўрганадилар. Ижтимоий ишлар боланинг масъулият ҳисларини кучайтиради, жамоатчилик туйғуларини мустаҳкамлайди, уларни жамоада ўзаро муносабатларга ўргатади.

Боланинг умумий бир мақсадга интилишлари, ғоявийлиги, ижтимоий-сиёсий фаолликлари, Ўзбекистоннинг Мустақиллигига қўшган ҳиссалари, орзулари - улар жамоасини ташкил топиши ва унда комил инсон шаклида шаклланиши бола жамоасини тузишга асос бўлади.

Болани ҳамжиҳат жамоа қилиб жипслаштиришда авлод-аждодларимиз, ота-боболаримиз мерос қилиб қолдирган билимларни эгаллаш, санъатимизнинг, маданиятимизнинг сирларини ўрганиш, узбек халқининг ажойиб анъаналаридан фойдаланиш ҳамда уларни бола онгига сингдириш катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбек халқининг энг яхши анъаналари катталарни ҳурмат-иззат қилиш, меҳмондўстлик, увол ва ундан кўрқиш, ўзаро ҳамкорлик, ҳашар йўли билан битмаган ишларни жамоа бўлиб битириш, катталар билан саломлашиб ўтиш, қарияларга ёрдам бериш, йўл бериш, кўлини кўксига қўйиб сўрашиш, тўй ва маросимларда ёрдамлашиш каби кўплаб ишларга хайрихоҳлик билдиришни ва уларни бола онгига сингдириш - бу кундалик ҳаётимиз жараёнида, бола билан ўзаро муносабатлар, рўзнома ва ойномалар саҳифаларида, ойнаи жаҳон эшиттиришларида доимо олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, мактаб ва олий ўқув юрглари имтиёзли аттестат ва диплом билан битирганларни ота-оналар ва ўқувчилар, талабалар орасида тантанали равишда топшириш кечаларини уюштириш кабилар ҳам болада фахрланиш туйғусини уйғотади, уларни яхшиликка интилиб яшашга ўргатади, ўз хулқ-атвори тўғрисида ҳушёр бўлиб яшаш эҳтиёжини пайдо қилади, жамоа учун жавобгарликка ва ўртоқларга ўзаро муносабатга одатлантиради.

Меҳнат - шахс ва жамиятнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган ижтимоий маҳсулотларни етиштиришга қаратилган фаолиятдир.

**Меҳнат** - инсон фаолиятининг тарихан вужудга келган дастлабки тури <sup>1</sup> бўлиб, одам яшашининг асосий ва биринчи шартидир. Меҳнат туфайли одам хайвонот дунесидан ажралиб чикиб, онгли мавжудотга - одамга айланди.

Меҳнат шахснинг ривожланиш шартидир. Одамнинг психик жараёнлари фақат фаолият жараёнида ривожланади. Шунинг учун фаолиятнинг турли кўринишларини ўрганиш кенг психологик аҳамиятга эгадир. Меҳнат жараёнида одам ўз табиатини ўзгартирди.

Инсоннинг онгли ва мақсадга қаратилган меҳнат фаолияти ҳар вақт маълум мотивларнинг бўлишини тақозо қилади ва у одамни маълум фаолиятга йўналтиради.

Меҳнат фаолияти ўзига хос хусусиятга эгадир. Меҳнат фаолиятининг ҳамма турлари (ақлий, жисмоний, ижтимоий фойдали меҳнат) бир-бирларига таъсир қилади, бир-бирини тўлдиради, бу билан одамнинг меҳнат фаолияти тўлақонли бўла боради.

Меҳнат фаолияти инсон онгини ҳар томонлама шакллантиради. Ҳар томонлама ривожланиш шахсни тарбия-лашнинг асосий шарти, шахснинг онгли фаоллигидир. Психологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, одам бирор мақсадни кўзлаб меҳнат қилса, бу меҳнатнинг самарасини олдиндан тасаввур қилса, ўша меҳнат унумли бўлади. Меҳнатда ўқувчи шахсининг характери ва

иродаси тарбияланади, кузатувчанлиги, диққати ривожланади, анализ ва синтез қилишга ўрганади, умумлаштиради ва таққослайди. Меҳнат болани зийрак бўлишга, фаросатлилик, эпчиллик, ихчамлик каби сифатларини, ҳаёлини ўстиради.

Меҳнат фаолияти ўқувчининг ахлоқий ривожланиши ва мукаммаллашишида катта аҳамиятга эгадир. Меҳнат болаларни жисмонан чиниқтиради, эстетик дидлари, нерв системасининг мустаҳкам бўлишини таъминлайди.

Таълим - тарбия жараёни одамни ижтимоий фойдали меҳнатнинг ҳар хил турлари учун зарур бўлган билимлар, малака ҳамда кўникмалар билан қуроллантиради. Маълумки, инсон ўз табиати жиҳатидан меҳнат фаолияти билан шуғулланмай яшай олмайди. Ўқувчи шахси таркиб топишининг йўлларида бири -меҳнат фаолиятидир.

Меҳнат фаолияти фақат шахсни тарбиялайди деган умумий хулоса чиқариб бўлмайди. Тўғри, меҳнат барча шароитларда ҳамиша шахсни таркиб топтиради, аммо бу ерда гап умуман шахсни таркиб топиши тўғрисида эмас, балки шахсни муайян ҳислатларига, сифатларига, жамиятга, жамоага, дунёқараш ва эътиқодларига муносабатларини тўғри йўналтирган мажмуага -системага эга бўлган мустақил жамият кишининг шахсини таркиб топтириш ҳақида боради. Меҳнат жараёни шахсни

меҳнатсеварлик, фаоллик, озодалик каби меҳнатга бўлган муноса-батни ифодалаш ҳисларини таркиб топтиришга, қийинчиликларни енга олиш фазилатларини, куч-ғайратини, активлик, қатъийлик каби муайян мақсадни кўзлаш ҳисларини ўстиришга; ялқовлик, лоқайдлик, пассивликка барҳам бериш каби ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол тарбиялашга қаратилгандир.

Инсон шахсини етук, баркамол этиб тарбиялаш воситаси бўлган меҳнатнинг моҳияти уни мактаб ўқувчиси ёки бола ҳаётида қандай ўрин тутганлиги эмас, балки ўқувчининг, боланинг - энг муҳим ижтимоий тушунча муносабатини қандай характерда эканлигидан, ўқувчининг меҳнат жараёнида катталар ва ўртоклари билан қандай муносабатда бўлишларидан иборатдир.

Қадрсизлик одамийликни англамасликкина эмас, балки мутелик руҳиятининг устунлигидан ҳам далолатдир. Қадр билмас кишидан оддийгина одамийликни кутиш гоҳо ўзини алдашга ўхшаб кетади. Кўпинча ўз қадрини билмаганларни “ювош”, “мўмин”, “бўйни бўш” деб ҳам айтишади. Ўйлаймизки, ювошнинг ювошдан, мўминнинг мўминдан фарқи бор. Қалби тоза, меҳнаткаш, камсуқум, одамлар ҳурмати, сўзини устун қўювчи кишиларга нисбатан “мўмин” ни кўп қўллаймиз. Мўмин киши гарчи ўзгалар ҳурматини ўзидан устун қўйса-да, ўз иззатини билади. Аммо буни ошкора кўрсатишни ҳамма вақт ҳам лозим топавермайди. Бинобарин, мўмин кишиларнинг ўзи савия, феъл-атворига кўра бир неча кўринишларга эга бўлгани каби ўз қадрини билишига қараб ҳам бир неча даражали бўлишлигини фахмласа бўлади. Мўмин одам ҳарчанд хокисор, камсуқум, камгап, камтарин бўлмасин, барибир, ана шу фазилатларнинг ўзак томорида маънавий қадриятнинг нуқси бўлади. Мўминлик унинг табиати, майлида, турмуш ва муомала тарзида оддийлик каби бўй ташлаб туради. Мўминни мўминдан фарқлашдаги асосий хусусиятлардан бири унинг одамларга, элу юртга муносабати, қайғуриш ёки лақайдлиги, ишбилармонлигию ўз ташвишлари билан ўралашиб қолш-қолмаслигида.

Одамзод ақлий, руҳий, жисмоний жиҳатлардан ўсиб, улғайиб борса-да, барибир бир-биридан фарқ қилади. Ҳам ақлий, ҳам руҳий, ҳам жисмоний мукамалликка эришмоқ жуда-жуда қийин. “Беайб парвардигор”, деб бежиз айтилмайди. Шунга қарамасдан, инсон тобора юксакликка, ўз имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқаришга интилаверади. Азал - азалдан бу ўлоат мавжуд. Фақат ҳар бир ижтимоий тузумнинг ҳақиқий етук инсон (шахс) тўғрисидаги ўз мезонлари, ўз қарашлари бўлади. Ҳар бир шахснинг иқтидори, салоҳияти, майл-қобиляти ҳам ўзига хос бўлишини назарда тутсақ, инсон комиллигига эришув жуда мураккаб жараён эканлиги бир мунча ойдинлашади. Инсон учун эзгуликнинг ёвузликдан, гўзалликнинг хунукликдан, яхшиликнинг ёмонликдан, ҳақиқатнинг ноҳақликдан ҳаётий афзаллик эканлигини қиёсан

тушунтиришлар, таъсир этишлар ана шу йўлдаги одобий усуллардир дейиш мумкин. Ва биз кўпинча нодонга нисбатан оқилни, танбалга нисбатан серғайратни, лоқайдга нисбатан хушёрни таққослаймиз. Ва ҳатто, гўзаллар ичидан гўзалини, яхшилар орасидан сарасини, мардлар орасидан жўмардини ибрат тарзида ажратиб кўрсатамиз.

Шунинг учун оиладан бошлаб маънавий - ахлокий тарбияни кучайтиришимиз шарт ва зарур. Агар боғча, мактаб, ўқув юртларида маънавий-ахлокий тарбия ибратли тарзда амалга оширилмас экан, кутубхона, клуб, маданият саройлари, истироҳат боғлари, музейлар, ижодкор ўқувчилар уйлари, стадион ва спорт тўғарақлари хўжақўрсинга иш юритса, маънавий - ахлокий ишларимизда мазмун бўлмайди.

Болани меҳнатга ижобий муносабатда бўлиш, жамиятга ҳурмат, ўз хатти-ҳаракатларини керакли тарзда йўлга солиш ва тузатиш жараёнларини таркиб топтириш, буларнинг ҳаммаси ҳар қандай меҳнат жараёнида ҳам эмас, балки махсус уюштирилган, муайян таркибларда амалга оширадиган меҳнат фаолиятидагина юз беради.

Шунинг учун болани, ўқувчиларни, болаларнинг меҳнат тарбиясини тўғри уюштириш - тўғри ташкил қила олиш шу қадар муҳимдир. Меҳнат тарбиясининг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқувчи шахсини таркиб топтириш муваффақиятига боғлиқдир. Меҳнат тарбияси тажрибалари, педагогик-психологик изланишларга дойр материаллар меҳнатни ҳақиқатдан ҳам болани тарбия олишига айлантирадиган куйидаги шартларни ифодалаб бериш имконини яратади:

1. Ўқувчилар меҳнати ижтимоий фойдали бўлиши керак. Бола ва ўқувчилар ўз меҳнатининг муайян ижтимоий қийматга, ижтимоий аҳамиятга эга эканлиги, кишиларга, жамиятга, жамоаларга фойда келтиришини англаб етмоғи лозим. Бу мактаб фойдасига қилинган меҳнат - мактабни жиҳозлаш, қўлланма, дарсликларни таъмирлаш, мактаб ҳовлисини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва ҳ.к. Бироқ, шуни назарда тутиш лозимки, ўқувчилар фақат ўз умуммактаб жамоаларининг фойдаси учунгина эмас, балки жамият фойдаси учун қилинадиган меҳнатда ҳам иштирок этишлари лозим. М: Ўқувчиларнинг умумшаҳар, туман миқёсидаги шанбаликларда иштирок этиши ёки умумхалқ ёки маҳаллалардаги ҳашарларда иштирок этишининг тарбиявий аҳамияти бекиёсдир.

2. Ижтимоий қийматга эга бўлган фойдали маҳсулот меҳнат натижаси бўлиши.

Ўқувчи ўз меҳнатини яққол ва аниқ кўриши лозим. Шу муносабат билан ўқувчини ўз меҳнати натижаларининг ижтимоий вазифаси билан муфассал таништириш, ўқувчига унинг меҳнатини кимга кераклигини кўрсатиш жуда муҳим. М: Ўқувчилар томонидан темир-терсак, қоғоз йиғишлар ва унинг натижасини билиш ёки жамоа хўжаликларида сабзаёт-мева териш....

3. Ўқувчиларнинг меҳнати жамоа меҳнати бўлмоғи керак. Жамоа меҳнати - умумий меҳнат вазифаларини биргаликда бажарадиган, умумий мақсад, умумий вазифалар билан бирлашиб қилинадиган меҳнатдир. Мана шундай меҳнатгина ўқувчиларнинг, боланинг ўз хатти-ҳаракатларини жамоа иродасига бўйсундира олиш сифатларини тарбиялайди. Меҳнат фаолияти жараёнида шахсий ютуқларгина меҳнат манбаи бўлса, жамоатчилик сифатларини таркиб топтириш учун асос бўлмайди. Жамоа билан амалга ошириладиган иш, юмуш меҳнатнинг умумий натижалари,

ўқувчиларнинг (инсонларнинг) ҳар бирини кўрсаткичларига бевосита боғлиқ бўлади.

Ўқувчининг меҳнати ташаббускор ва ижодий меҳнат бўлиши керак. Мана шунда меҳнат ишнинг ижодий томонига қизиқадиган, шунчаки бир фойдали иш қилишга эмас, балки янгиликка, ўз ташаббусини намоён қилиш имкониятларини қидиришга интиладиган ўсмирлар ва юқори синф ўқувчиларининг ёш психологик хусусиятларига мос бўлади. Ўқувчилар, бола орасида шунга эришиш керакки, боланинг ўзлари меҳнат вазифаларини ҳал қилишнинг энг яхши усулларини қидириб топсинлар, ўзлари ўз фаолиятларини режалаштирсинлар, тайёргарлик кўрсинлар.

4. Меҳнат жараёнида айниқса бола, ўқувчилар ўз-ўзини уюштириш ва мустақил меҳнат қилишнинг ҳар хил шакллари қўллашлари лозим. Гап фақат ўқувчиларнинг ташкилотчилик малакаларини ҳосил қилишдагина эмас, балки ўз-ўзини уюштиришнинг мустақилликка раҳбарлик қилиш ва бўйсунтириш малакаларини, ижодий ташаббусни, маъсулият ҳамда жамоат манфаатларини, ижодий ташаббусни, ҳис қилиш сифатларини тараққий эттиришга ёрдам беради.

5. Ўқувчиларнинг меҳнати уларнинг ўзлари учун қизиқарли бўлиши лозим. Айниқса, кичик мактаб ўқувчиларининг меҳнати бевосита қизиқишларга асосланади, лекин ўқувчиларни қизиқарли бўлмаган меҳнат билан шуғулланишга ҳам одатлантириш аҳамиятлидир.

6. Ўқувчиларнинг меҳнати уларнинг кучига яраша бўлмоғи лозим. Меҳнат ўқувчиларни ҳаддан ташқари кўп куч сарф қилишга, жуда толиқиб қолишга олиб бормаслиги лозим. Меҳнат боланинг кучига, жисмоний ривожланишига, ёшига мос бўлса, унда бола муваффақиятга эришади, аксинча у мос бўлмаса, у бола психикасига қаттиқ таъсир қилади, бола ўз кучига ишончни йўқотади, хатто кучи етадиган ишни бажаришдан ҳам бўйин товлайди.

7. Ўқувчиларнинг меҳнати таълим фаолияти билан боғлиқ бўлиши яхши натижа беради, чунки уларнинг назарий олган билимлари билан меҳнат фаолиятларини узвий

равишда шундай боғлаш зарурки, уларнинг меҳнати биология, кимё, геометрияни билишни, чизмалар чизиш ҳамда уларни тушуниб ола билишни талаб этеин.

8.Ўқувчиларни меҳнат билан жазолашга ва меҳнати учун жазолашга асло йўл қўйиб бўлмайди. Чунки бола унга куч сарф қилади, машаққат чекади.

9.Ўқувчидан ишни шунчаки бажаришини эмас, балки, асбоб-ускуналарга, материалларга, меҳнат қуролига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишини талаб этиш зарур. Бу шартларга амал қилиш - бола учун меҳнат фаолиятининг қизиқарли фаолиятга айланишига имкон яратади. Уларда зўр маънавий қониқиш ҳисларини уйғотади, меҳнат жараёнида ўқувчилар тўғри ижтимоий хатти-ҳаракатларнинг амалий тажрибасини эгаллайдилар. Инсон шахсининг шаклланиши болани меҳнатга бўлган ижобий муносабати орқали пайдо бўлади. Бола меҳнат қилиш орқали ўз-ўзини англайди, ўз меҳнати самарасини кўриш эса уни меҳнатга ижобий муносабатини шакллантиради.

Демак, бола бажарадиган меҳнат жиддий меҳнатга ҳавас ўтини ёқиши лозим, бундай меҳнатсиз одам инсон шаънига ярашадиган ҳаёт кечира олмайди. Меҳнат одамнинг туғма эҳтиёжидир. Болани меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш энг муҳим вазифалардан биридир. Бунинг учун:

- 1-дан, уларни ёшлигидан бошлаб ёш хусусиятларига ҳос меҳнат турларини бажаришга ўргатиш;
- 2-дан, ёшларни меҳнатини сиртдан назорат қилиш;
- 3-дан, меҳнат анжомларидан фойдаланиш малакасини ҳосил қилиш;
- 4-дан, уларни асраб-авайлаб сақлашга ва ундан фойдалангандан кейин уни жой-жойига қўйишга олатлантириш;
- 5-дан, ўз меҳнатини маҳсули ва ундан фойдаланишга ўргатиш;
- 6-дан, қатталар меҳнатига тақлид қилиш ва уни ҳурматлаш;
- 7-дан, ўз ва жамият мулкани авайлашга ўргатиб бориш муҳимдир.

Болани меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш ва уни жаҳон андозалари даражасига етказиш ҳозирги замон талабидир.

Болаимизни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш янгича асосларда, яъни 1-дан миллий қадриятларимиз заминида ва 2-дан, ривожланган мамлакатлар тажрибасидан ўзини оқилона жаҳон андозаларини намунасида йўлга қўйиш лозим. Чунки меҳнатсеварлик - маънавий тушунча бўлиб, у субъект - объект муносабатларида шаклланади ва натижалари намоён бўлади. Лекин, объект субъект муносабатлари - қобилият ва имконият-ларига боғлиқ. Шундагина субъект-объект муносабатларини шахсда маълум, ўзида меҳнатсеварлик сифатини акс эттирувчи таркибий қисмларини шаклланишига имкон беради.

Жавобгарлик, сабр-тоқат, интизом, маданий хулқ, ўзаро ёрдам сифатларини, ташаббускорлик, мустақиллик, топшириқларни сифатли бажариш, фаҳм-фаросатлилик - меҳнатсеварлик даражаси меъёридир. Ривожланган мамлакатларнинг меҳнатсеварлик тарбияси бўйича андозаларни узбек миллий қадриятлари билан қарама-қарши эмас, аксинча умумийликка эга.

Умумжаҳон андозаларида меҳнатсеварлик тарбияси - шахс ривожланиши жамият мақсад ва вазифаларининг марказидадир; жамиятни муваффақиятли моддий ва маънавий ривожланиши ҳар бир шахснинг шаклланганлик даражаси билан боғлиқ; жамият ўзининг ҳар бир аъзосига ўзининг лаёқати, имконияти, қобилият-ларини юзага чиқаришга шарт-шароит яратиб бераганина, у демократик инсонпарварлик жамиятидир. Ҳар бир фуқаро жамиятидан олибгина қолмай, бериши ҳам керак, яратилган имкониятлардан фойдаланиб бор лаёқати ва қобилиятини ишга солиши, ўзига мос, қодир бўлган касб танлаши, меҳнат қилиб жамиятни моддий, маънавий ривожига ҳисса қўшиши лозим деган тезисларга асосланади.

Меҳнатсеварлик тарбиясини амалга оширишда бир тарафдан ўқувчиларнинг имконият, лаёқат ва қобилиятлари ҳисобга олинса; иккинчи томондан унинг эҳтиёж-мотивлари тизимидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ.

## Хулоса.

Сиёсий вазият беқарорлик давридан ўтиб, барқарорликка юз тутаётган ҳозирги шароитда маънавий-ахлоқий кадриятларни тиклаш катта аҳамиятга эгадир. Бу ўринда, яъни умуминсоний кадриятларнинг тикланишида маънавий-маърифий ва ахлоқий ишлар муҳим роль ўйнашини қайд қилмоқ лозим. У одамлар ўртасида одоб-ахлоқни, меҳр-шафқатни, сабр-тоқатни, инсонни зъозлашни тарғиб қилаётганлигини инкор этиш покланишимизга жиддий зарар келтиради.

Буни тан олар эканмиз, ижтимоий фанлар, биринчи галда педагогика, психология, фалсафа, дин ва даҳрийлик тарихи мутахассислари олдида янги-янги вазифалар турганлигини ҳам эътироф қилишимиз лозим. Фақат шу соҳаларнинг иқтидорли вакилларигина дунёқарашимиздаги чалкашликларни бартараф эта олишлари, кадриятларимизнинг умуминсоний, диний, дунёвий жиҳатларини фарқлаб беришлари, улар амалда бир-бирига зид келиш-келмаслигини кўрсатишлари ва маънавий-маърифий ишимизнинг бундан буёнги хусусиятларини белгилашлари мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мактабларда мактаб директорлари ва барча бошланғич синф ўқитувчилари маънавий- маърифий ишларни тугри режалаштиришлари ҳамда таълим жараёнида асосий эътиборни талабаларни маънавиятли ва маърифатли қилиб тарбиялашга қаратиш, Президентимиз асарлари, нутқларини, фармонлари, ҳукумат қарорлари ва республика қонунларини ўрганиш , ўқув - тарбиявий ишларни юксак даражада ташкил қилиш, ўқувчилар дунёқарашларини кенгайтириш , жамоа ёшларининг умуминсоний ва миллий кадриятлар асосида маънавий, иқтисодий, ҳуқуқий, экологик, меҳнат, эстетик маданиятини шакллантириш мақсадида таниқли санъаткор, ҳуқуқшунос, таълим ва фан арбоблари, меҳнат фахрийлари, соғлиқни сақлаш ходимлари билан ижодий кечалар ва учрашувлар уюштириш мақсадга мувофиқ.

Ушбу маърифий-маърифий ишларни уюштириш учун маънавият ва маърифат бўлими ходимлари масъулдирлар. Улар дарс мавзуси, режа ва дастурларни, дарс жадвалларини, маърузачи ўқитувчиларни, четдан таклиф қилинаётган маърузачиларни тайёрлашлари ва таъминлашлари лозим.

Маънавий ва маърифий ишлар юзасидан ўтказиладиган тадбирларнинг муайян мажмуи халқимизнинг тарихи, урф-одатлари, расм-русмлари асосида тайёрланиб, талаба-ёшларда миллий кадриятларимизга ҳурмат уйғотиш руҳида ўтказилиши муҳимдир. Шуни ҳам айтиш керакки бунда миллий ўзига хосликка ҳаддан ташқари эътиборни қаратиш, бошқа миллатларнинг анъаналари, урф-одатларини озгина бўлса-да камситиш, беҳурмат қилиш кабиларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Миллий кадриятлар

бўйича тайёрланадиган тадбирлар умуминсоний кадриятлар бағрида, у билан ички, узвий алоқадорлик тарзида ўтказилиши лозим.

Умуман, бошланғич синф ўқувчилари орасида маънавий -маърифий ишларни режалаштириш ва ўтказиш ҳам мароқли, ҳам масъулиятли вазифа. Шу боис бунда ташкилотчиларнинг изланувчанлиги ва топқирлиги кўл келади.

### Адабиётлар рўйхати

- 1.Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: Ўзбекистон 2011 й
- 2.Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон таракқиётининг пойдевори. Т.: “Шарқ” 1998 й -64 б.
- 3.Каримов И.А.Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.:Ўзбекистон 2000 й-352 б.
4. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз Т.: Ўзбекистон 2001 й- 432 б.
5. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси . Т.: Шарқ 1998 й-182 б.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.Т.: Маънавият 2008 й-176 б.
7. Каримов И.А. “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тарққиёт йўли” Т.: “Ўзбекистон ” 1992 й.
8. Асқарова М, Г. Қодирова “Кичик ёшдаги болалар нутқини ўстириш” Т.: “Ўқитувчи” 2001 й
9. Акбарова Р.Т. «Болаларни ўсимликлар билан таништирувчи дидактик уйинлар»
10. Боймуродов Н Амалий психология Т.: 2008 й- 316 б.
11. Вохидов М. “Болалар психологияси” Т.: ўқитувчи. 1982 й.
12. Жўраев С. , Ф.Қодиров “Кичкинтойлар нутқини ўстириш” Т.: 2005 й.
13. Иванов П.И. М.Зуфарова “Умумий психология” Т.: 2008 й
14. Нишонова З. Алимова Г. “Болалар психологияси ва уни ўқитиш методикаси” Т.: 2006 й
15. Нишонова З.Т. Дўстмухаммедова Ш.А. Тўляганова Ш.Т. Педагогик психология. Тошкент 2011
16. Муминова, Собирова ва бошқалар.«Болалар боғчасида таълим-тарбия дастурлари»
17. Шодиева Қ. “Нутқ ўстириш услубиёти” Т.: 2008 й
18. Ғозиев Э. Умумий психология Т.: 2010 й.
19. Ғозиев Э. “Онтогениз психологияси” 2010 й
20. Ғозиев Э, Жабборов А. “Фаолият ва хулқ – атвор мотиватсияси” Т. 2003 у

**Интернет сайтлари:**

**www.press-servis/ .uz.**

**www. Gov.uz.**

**www. Iscs.uz**

**www. Edu.uz.**

**www. Ziyonet. Uz**

**[www.jahon.tiv.uz](http://www.jahon.tiv.uz).**

**[www.press-uz.info](http://www.press-uz.info).**

**[www.uzreport.com](http://www.uzreport.com).**

**www.gzt.uz**